

"МАРКАЗИЙ ОСИЁ - ЕВРОПА ИТТИФОҚИ"
БИРИНЧИ САММИТИ



2025 йил 3-4 апрель,
САМАРҚАНД ШАҲРИ

2025-йил
3-апрел
payshanba
№ 40-41
(5105)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

«ОЛДИМИЗДА МИНТАҚАМИЗНИ НАФАҚАТ БАРҚАРОР, БАЛКИ ФАРОВОН ҚИЛИШ УЧУН ТАРИХИЙ ИМКОНИЯТ ТУРИБДИ»



euro
news.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат
Мирзиёевнинг
Самарқанддаги «Марказий
Осиё – Европа Иттифоқи»
биринчи саммити олдидан
«Euronews»га берган
ЭКСКЛЮЗИВ ИНТЕРВЬЮСИ

2-саҳифада ўқинг...

ЯНГИ ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ ФЕНОМЕНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг
биринчи ўринбосари Содиқ САФОЕВ билан суҳбат

4-, 5-саҳифаларда ўқинг...



Меҳнат жамоаларининг бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар муқобиллик асосида ўтказилаётгани шаффоқликдан далolatдир. Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасининг ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам очқилик тамойилига асосланган ҳолда ўтди. Етакчи Нодирахон Топилова беш йил давомида саломатлик посбонлари манфаати йўлида амалга оширилган ишлар бўйича батафсил маълумот берди.

Жонкуяр касабакўмининг тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида ўтган давр мобайнида аъзолар сони ошиб, 7 минг 720 нафарга етди. Жамоа шартномалари орқали 2020 йилда бир нафар ходимга сарфланган маблағ 3 млн. 232 минг сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 5 млн. 216 минг сўмга етди. Тиббиёт муассасаларида ишловчи эҳтиёжманд, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 604 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. 105 нафар ходим йўлланмалар орқали сихатохларда саломатлигини мустаҳкамлаб қайтди.

Албатта, касоба уюшмаси етакчисининг ҳисоботини тинглаган делегатлар унинг ходимлар манфаати йўлида олиб борган ишларини муносиб баҳоладилар. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда касоба уюшмаси кўмитаси раислигига кўрсатилган номзодлар ичидан Нодирахон Топиловага ишонч билдирилди.

Бағдод тумани тиббиёт бирлашмасида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида делегатлар шунчаки ҳисобот тингламадилар. Улар етакчидан ўтган давр мобайнида тиббиёт ходимларига кўрсатилган кўмак, ижтимоий ҳимояси учун амалга оширилган ишлар бўйича аниқ маълумотлар сўрадилар.

Ўз ўрнида тиббиёт муассасаси етакчиси Баҳодиржон Абдурахмонов сўнги беш йилда саломатлик посбонларининг дам олиши ва соғлиқларини мустаҳкамлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилганини, ҳар бир аъзони қўллаб-қувватлаш, ғамхўрлик кўрсатиш, ижтимоий ҳимоялаш каби масалалар доимо касоба уюшмаси эътиборида бўлиб келганини таъкидлади.

Аъзолар манфаатини ҳамиша биринчи ўринга қўйишга одатланган Баҳодиржон Абдурахмонов ҳар жиҳатдан етакчилигини исботлади. Ўтган йил август ойида Бағдод туманидаги туғуруқхона мажмуасида реконструкция ишлари

Улар шунчаки сайланаётгани йўқ

■ Таҳлил

чоғида бу яққол кўзга ташланди. Чунки ўша кезлар туғуруқхонада меҳнат қилаётган ходимлар вақтинча ишсиз қолишди ва меҳнат ҳақи ололмадилар. Шундай бир пайтда жонкуяр етакчи Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига бу ҳақда муурожаат қилди. Шу асосда меҳнат инспекторлари томонидан тиббиёт муассасасида ўрганишлар олиб борилди. Узоқ музокаралардан кейин иш судда кўриб чиқилди. Суд қарори билан иш берувчи зиммасига вақтинча ишсиз қолган ходимларга ўртача иш ҳақи миқдорига ҳақ тўлаш мажбурияти юклатилди. Натижада 71 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланиб, уларнинг фойдасига 261 млн. сўм иш ҳақлари ундириб берилди.

Касоба уюшмаси етакчисининг ҳисоботидан англашладикки, касабакўм бир сафга бирлашган аъзоларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланган. Шу боис сўзга чиққан делегатлар етакчининг фаолиятига ижобий баҳо бериб, унинг ҳақиқий жонкуяр инсон эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган ҳисобот-сайлов конференциясида Баҳодиржон Абдурахмонов кейинги беш йил муддатга қайта сайланди.

– Ҳозир туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларида ҳисобот-сайлов конференциялари муқобиллик асосида бўлиб ўтиб, делегатлар кейинги беш йилга сайланадиган касоба уюшмаси раисини росмана ўйлаб, кейин овоз бермоқдалар. Чунки сайланажак етакчи аъзоларнинг ҳақиқий суянчиги бўлмоғи зарур, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касоба уюшмаси Фарғона вилояти

кенгаши раиси Шоҳидахон Каримова. Қайси жамоада касоба уюшмаси яхши ишласа, аъзолар ундан наф қўрса, албатта, ўша ерда етакчига ишонч юқори бўлади. Фарғона вилояти солиқ хизмати органлари ходимлари бирлашган касоба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида бунга гувоҳ бўдик. Бирлашган касоба уюшмаси кўмитаси раиси Бахтиёр Тоштемиров қисқа давр ичида жамоа меҳрини қозонди. Жамоа шартномасида белгиланган бандларнинг бажарилишига астойдил ҳаракат қилди. Ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш, кўмакка муҳтож ходимларга ёрдам кўрсатиш масалаларига доимо эътиборли бўлди. Энг асосийси, касабакўм аъзоларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга эришмоқда. Шу боис улар ҳисобот-сайлов конференциясида Бахтиёр Тоштемировни яширин овоз бериш йўли билан қайта сайлашди.

– Жамоанинг ишончи – катта масъулият, – дейди Бахтиёр Тоштемиров. – Билдирилган ишончнинг уқун янада кўпроқ меҳнат қилишга тўғри келади.

Кўриниб турибдики, сайлов жараёнлари номигагина ўтаётгани йўқ. Аъзолар етакчидан ҳисоб сўрамоқдалар. Ва шунга кўра, ўзлари муносиб деб билган номзодга ишонч билдирмоқдалар.



Жамшид
ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ

37 037 ТА

БОШЛАНҒИЧ
КАСАБА УЮШМА
ТАШКИЛОТИДАН,
2 АПРЕЛЬ КУНГИ
МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА,

30 890 тасида
(83,4 %)

МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА
ҲИСОБОТ-САЙЛОВ
ЙИГИЛИШЛАРИ
(КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ)
ЎТКАЗИЛДИ.

www.ishonch.uz



ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official



«ОЛДИМИЗДА МИНТАҚАМИЗНИ НАФАҚАТ БАРҚАРОР, БАЛКИ ФАРОВОН ҚИЛИШ УЧУН ТАРИХИЙ ИМКОНИАТ ТУРИБДИ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанддаги «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» биринчи саммити олдидан «Euronews»га берган эксклюзив интервьюси

– Кейинги йилларда дунё шиддат билан ўзгармоқда: геосиёсий бекарорлик, иқтисодий хатарларнинг ўсиши, иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар – буларнинг барчаси халқаро ҳамкорликнинг янги форматларини тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Самарқанд шаҳридаги «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» саммити минтақаларимиз ўртасидаги муносабатларда бурилиш нуқтаси сифатида кўринмоқда. Нима учун айнан шу пайт ўзаро ҳамкорлик янги босқичга чиқмоқда?

– Минтақаларимизни чуқур тарихий илдизлар, бир-бирига мос манфаатлар ва яқин шерикликка объектив интилиш боғлаб туради. Бугунги кунда биз Европа Иттифоқи билан ҳамкорликнинг қарийб ўттиз йиллик самарали таърибига асосланган аниқ кун тартибини шакллантирганмиз.

Бизнинг Европа Иттифоқи билан шерикчилигимиз – бу икки томонлама ҳаракат, ундан иккала томон ҳам манфаат кўриши лозим. «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» формати – ноёб ҳамкорлик платформаси бўлиб, ўлчам ва институционал қамров жиҳатидан унга ўхшаш мавжуд эмас. 27 давлатни, жумладан, «Катта еттиликка аъзо учта мамлакатни (Германия, Франция ва Италия) бирлаштирган Европа Иттифоқи Марказий Осиё билан минтақаларо даражада тизимли ҳамкорликни йўлга қўйган энг ийрик интеграцион тузилма ҳисобланади. Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик иқтисодий ва инвестициядан тортиб барқарор ривожланиш, хавфсизлик ва рақамли трансформациягача бўлган соҳаларнинг кенг мажмуасини қамраб олади ҳамда узоқ муддатли стратегик устувор йўналишларга асосланади.

Биз европалик ҳамкорларимиз билан мунтазам учрашиб келмоқдамиз. Минтақамизга етакчи давлатлар раҳбарларининг таширлари анча фаворитлар. Ўзбекистон Италия, Венгрия ва Франция билан стратегик шериклик ўрнатди. Германия ва Марказий Осиё мамлакатлари эса минтақавий стратегик шерикларга айланди.

Бугун Европа Иттифоқи Марказий Осиё давлатлари билан савдо ва инвестиция алоқаларини изчил ривожлантирмоқда. Охири етти йилда Марказий Осиё мамлакатларининг ЕИ билан савдо айланмаси тўрт баробар ошиб, 54 миллиард еврони ташкил этди.

Биз Европа бизнесининг Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа мамлакатлар билан савдо ва инвестициявий ҳамкорлик қилиш имкониятларига қизиқиши кучайиб бораётганини мамнуният билан кузатишмоқдамиз.

Минтақамизда кузатилаётган ижобий жараёнлар туфайли Марказий Осиё кудратли ва етакчи давлатларнинг Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғловчи йўллар туташган геосиёсий чорраҳадаги ишончли ҳамкорига айланган. Бу «Марказий Осиё плюс» форматларида ўз ифодасини топишмоқда. Улар очик мулоқотни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиб, барча томонларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун қўлай имконият яратмоқда.

Бундай шароитда Самарқанд саммитида Европа Иттифоқи ва минтақамиз давлатлари ўртасида стратегик шериклик йўлга қўйилиши минтақаларо ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқликнинг ривожланишида янги йўналишлар очади.

– Саммитни ўтказиш жойи сифатида Самарқанд шаҳри танлишининг сабаби ҳақида батафсил сўзлаб берсангиз. Самарқанд мулоқот ва имкониятлар нуқтаи назаридан қандай рамзий аҳамиятга эга?

– Самарқанд – асрлар давомида савдо, илм-фан ва дипломатия маркази бўлиб келган шаҳардир. Унинг улғуворлиги турли маданиятлар, халқлар ва гоғларни бирлаштира олган. Бугун у яна Европа ва Марказий Осиё замонавийнинг асосий муаммоларини муҳокама қилиши мумкин бўлган мулоқот майдонига айланмоқда.

Самарқанд Марказий, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ ҳудудида истиқомат қилган халқларнинг кўп асрлик халқаро муносабатлари тарихида алоҳида ўринга эга. Олти асрдан ортқ вақт илгари айни шу ердан Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темуэр Европа монархлари билан эркин ва хавфсиз савдонини таъминлаш мақсадида фаол алоқалар ўрнатган эди.

Бугунги кунда Самарқанд халқаро ҳаётдаги ўзига хос ўрнини тикламоқда ҳамда мамлакатимизнинг тарихий сиёсий ва дипломатик меросини асраб-авайлаб, уни янги, янада кенг мазмун билан бойитмоқда.

Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўрилади. «Самарқанд руҳи» деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг принципаил жиҳатдан янги форматини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

– Кейинги йилларда минтақада юз берган асосий ўзгаришларни қандай тавсифлаган бўлардингиз, Марказий Осиё бешлигида Ўзбекистон раислиги даврида қайси устувор йўналишларга эътибор қаратасиз?

– Аввало, шунга алоҳида таъкидлашни истадимки, Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу бир қатор омиллар билан боғлиқ. Биринчидан, бугунги дунё сиёсати харитасига назар ташласак, куролли низолар, зиддиятлар ва зўравонлик авж олаётган ҳолатларнинг аксарияти айнан кўриниш давлатлар ўртасида юз бераётганини кўришимиз. Бу ҳолат Яқин Шарқ, постсовет макони, Жанубий Осиё, Африка ва бошқа минтақалар учун ҳам хос.

Афсуски, Марказий Осиё ҳам бундай ҳолатлардан мустасно бўлмаган. Турли даврларда бу ерда куролли тўқнашувлар содир бўлган, чегара масалалари, сув-энергетика муаммолари, транспорт ва алоқа соҳасидаги мураккаблиқлар, хавфсизликка оид таҳдидлар вазиятни оғирлаштирган. Бу эса узоқ давом эта олмасди. Ихтилофлар кучайди, келишмовчиликлар чуқурлашди ва юзга келаётган мураккаб вазият минтақанинг хавфсизлигига жиҳдий таҳдид сола бошлади.

Биз ана шундай реал ҳолатни англаб етиб, стратегик қарор қабул қилдик: Марказий Осиёда конструктив, яхши кўшничликка асосланган ва ўзаро манфаатли муносабатларни босқичма-босқич барпо этиш. Бу ёндашувнинг замирида ўзаро ишонч ва ҳурмат, умумий манфаатларни ҳисобга олиш ва тан олиш ётади.

Сўнги йилларда Марказий Осиё тубдан ўзгарди, янги қиёфа касб этди – конструктив мулоқот, ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорлик майдонига айланди. Бу эса мамлакатларимиз етакчиларининг умумий сиёсий иродаси туфайли амалга ошди. Бугун биз бу жараённинг орта қайтмаслиги ҳақида ишонч билан айта оламиз.

2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси билан чиққанида, биз оддий, бироқ муҳим ғоядан келиб чиққан эдик: агар биз ўзаро ишонч ва очик мулоқотни ўзимиз бошламасак, ҳеч қандай ташқи ҳамкорлар минтақамизда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаб беролмайди. Бу жараён ўз самарасини кўрсатди. Бугун энг мураккаб масалаларни музокаралар орқали ҳал этмоқдамиз, қўшма ташаббусларни мувофиқлаштиришимиз ва олдинга дадил қадам ташлашимиз.

Жорий йилда Тошкентда еттинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади. Бундай йиғилишларда биз нафақат кун тартибини муҳокама қилаямиз, фикр алмашяймиз, балки минтақа қиёфасини ўзгарирувчи аниқ қарорларни қабул қилмоқдамиз. Яқин орадаги ёрқин мисол – Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида давлат чегарасини делимитация қилиш масаласининг узил-кесил ҳал этилиши бўлди. Бу – томонларнинг йиллар давомидаги саяё-ҳаракатлари туфайли эришилган муваффақиятдир.

Савдо алоқаларини рағбатлантириш учун чегараолди савдо ҳудудлари ташкил этилмоқда, қўшма инвестиция жамғармалари ишга тушириляпти, йирик инфратузилма ва сановат лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Марказий Осиё глобал транспорт заңжирларининг муҳим бўғинига айланмоқда. Биз Транскаспий ва Трансафғон транспорт йўлакларини фаол ривожлантиряймиз – бу мамлакатларимизнинг жаҳон бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шу тарзда, Марказий Осиё энди тарихнинг четида эмас, балки ўз стратегик кун тартибини шакллантираётган, жадал ривожланаётган минтақага айланмоқда. Сиёсий ирода, юқори даражадаги ўзаро ишонч ва қўшма иқтисодий ташаббуслар минтақада барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар яратди.

Марказий Осиё бешлигида Ўзбекистоннинг раислиги даврида биз кўйдаги учта устувор йўналишга алоҳида эътибор қаратамиз: минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ва экологик барқарорликни таъминлаш.

Олдимизда минтақамизни нафақат барқарор, балки фаровон қилиш учун тарихий имконият турибди. Ишонч билан айта оламаники, биз бу салоҳиятни биргаликда рўёбга чиқаришга қодирмиз.

– Ўзбекистонда амалга оширилаётган қандай ислохотлар Европа Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда ва Марказий Осиё билан алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш учун ЕИ томонидан қандай чоралар кўрилиши мумкин?

– Ўзбекистонда изчиллик билан қўлай бизнес муҳитини яратмоқдамиз, бозор институтларини ривожлантирмоқдамиз ва инвестициявий муҳитни яхшиляяпмиз. Муҳим қадамлардан бири ҳоржий инвесторлар учун «ягона дарча» тизими жорий этилгани, валюта бозори либераллаштирилгани, бизнес учун солиқ юки камайтирилгани бўлди.

Натижада мамлакатимиз ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликда ижобий суърат кузатилмоқда. 2024 йилда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард долларга етди, бу ўтган йилга нисбатан 5,2 фоизга кўпдир. Мамлакатимизда Европа капитални иштирокидаги 1 мингдан ортқ корхона фаолият қоритмоқда, инвестиция лойиҳалари ҳажми эса 30 миллиард еврога етган. Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши савдо-инвестиция алоқаларини янада

чуқурлаштириш учун янги имкониятлар очишига ишонамиз.

Биз ЕИ бозорига юқори сифатли, экологик тоза ва Европа стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни кўпроқ етказиб беришга тайёримиз. Бугунги кунда самарали транспорт-логистика йўлакларини ривожлантириш аҳамияти ортиб бормоқда ва Марказий Осиё Европа билан Осиё ўртасидаги шўнчаки «кўприк» эмас, балки глобал иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши мумкин.

Шу маънода, биз Европа Иттифоқининг «Глобал дарвоза» стратегиясини минтақадаги асосий транспорт лойиҳалари билан уйғунлаштиришни, Транскаспий транспорт йўналишларини амалга ошириш, рақамли иқтисодиёт ва инновацион ҳамкорликни ривожлантириш жараёнига Европа бизнесини фаол жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий боғлиқликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун савдо тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, Марказий Осиё маҳсулотларининг Европа бозорига кириш имкониятини яхшилаш, техник стандартлар ва сертификатларни уйғунлаштириш зарур. Шу билан бирга, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, рақамли иқтисодиёт ва инновацион ҳамкорликни ривожлантириш жараёнига Европа бизнесини фаол жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Биз, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки ва бошқа халқаро молия институтлари орқали молиявий қўмак механизмларини фаоллаштиришни қўллаб-қувватлаймиз. Европалик ҳамкорлар иштирокида кичик ва ўрта бизнес ривожини учун қўлай шароитлар яратилиши минтақа иқтисодий барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

– Марказий Осиё – энергия ресурсларига бой ва қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга бўлган ҳам сонли минтақалардан бири ҳисобланади. Қайта тикланувчи манбалардан фойдаланиш бўйича кейинги тенденциялар ҳисобга олинса, минтақанинг Европанинг энергетик барқарорлигини таъминлашда қандай ўрин тутishi мумкин?

– Марказий Осиё нафақат энергия ресурсларини барқарор етказиб беришни таъминлай оладиган, балки углеродни қисқартириш бўйича глобал жараёнга ҳам катта ҳисса қўша оладиган ишончли ҳамкорга айланиши мумкин.

Марказий Осиё мамлакатлари иштирокида амалга оширилаётган Каспий ва Қора денгиз орқали Европага «яшил стратегик йўлак» барпо этиш лойиҳасида ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши ўзаро манфаатли энергетик боғлиқликнинг мустаҳкам асосини яратади.

Қайта тикланувчи энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиш учун муҳим институционал платформа сифатида Тоза энергетика бўйича Марказий Осиё – ЕИ шериклигини ташкил этиш мумкин. Бу водород ва аммак каби «яшил» ёқилги, шунингдек, биоёқилги ишлаб чиқариш ва қазилма ёқилги ўрнига улардан кенг фойдаланиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини беради.

Айни пайтда Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатлар қайта тикланувчи энергетика салоҳиятини фаол кенгайтирмоқда. «Яшил» энергетика ва иқлим соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Марказий Осиёда «углерод кредитлари» бозорини ривожлантиришга хизмат қилади. Бу механизм корхоналарга экологик тоза технологияларга инвестициялар жалб қилиш имконини беради, шунингдек, углерод квоталари савдоси соҳасида халқаро ҳамкорлик платформасига айланади.

Масалан, фаолият юритаётган 14 та янги қуёш ва шамол электр станцияларига қўшимча равишда умумий қуввати 24 минг мегаватт бўлган 50 дан ортқ шундай лойиҳани амалга ошириш ниятимиз бор.

Яқин беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказишни режалаштирганмиз. Бу иссиқхона газлари чиқишини қарийб 16 миллион тоннага қисқартириш имконини беради ва Ўзбекистон Париж келишуви доирасида иссиқхона газлари чиқиндини 35 фоизга камайтириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларининг муддатидан олдин бажарилишига имкон беради.

Яна бир муҳим йўналиш энергетика тизимларини модернизация қилиш бўлиб, бу уларнинг самарадорлигини оширади ва углерод изини камайтиришга хизмат қилади.

– Бўлажак саммитда хавфсизлик масалалари муҳокама қилиниши истиқболларини қандай баҳолайсиз? Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг қайси соҳалари Сиз учун алоҳида аҳамиятга эга?

– Биз халқаро муносабатлар тизимининг чуқур трансформациясига гувоҳ бўляпмиз. Дунёда шундай кенг кўламли ўзгаришлар рўй бермоқдаки, уларнинг оқибатларини ҳозирча аниқ баҳорат қилиш мушкул.

Худудий хавфсизликни таъминлаш Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳар доим усту-

вор йўналиш бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, 2023 йилда биз Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасида бу соҳадаги ҳамкорликнинг янги кун тартибини экспертлар муҳокамаига олиб чиқиш вазифасини қўйдик.

Биз яхши тушунамизки, бизнинг минтақамиз ҳам, Европа Иттифоқи ҳам хавфсизлик соҳасида, жумладан, терроризм, экстремизм ва трансмиллий жиноятчиликка, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш масалаларида умумий таҳдид ва хатарларга дуч келмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Европа Иттифоқи билан хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларимизнинг асосий йўналишларидан биридир.

Бугунги воқеликларни инобатга олган ҳолда, фақат мавжуд дастурлар доирасидаги ҳамкорликни давом эттириш билан чекланиб қолмай, киберхавфлар ва экстремизмга қарши курашишга қаратилган янги ташаббусларни ишлаб чиқиш ҳам муҳим деб ҳисоблаймиз.

– Афғонистон Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Қўллаб-қувватлаш муваққат ҳукумат билан ҳамкорлик қилиш ҳамда бу мамлакатни минтақавий ва халқаро ҳамкорлик жараёнларига жалб этишдан ўзини тийиб турган бир пайтда Ўзбекистон жанубий қўшниси билан фаол алоқаларни давом эттирмоқда. Ўзбекистоннинг Афғонистонга бундай ёндашувининг сабаблари нимада, бу масалалар давлатларимиз ўртасида жадал ҳамкорликни давом эттириш истиқболлари қандай?

– Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан ёндашуви ҳар доим прагматик ва узоқ муддатли стратегик тамойилларга асосланиб келган. Биз ҳеч қачон қўшнанингдан юз ўғирмаганмиз, у билан алоқаларни измаганмиз. Биз қўшни давлатлар, жумладан, унинг яқин ва энг муҳим ҳамқори сифатида Ўзбекистон билан конструктив ҳамкорлик қилмасдан Афғонистонни ривожлантириш имконсиз, деган фикрга доим ишониб келганмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Афғонистонга нисбатан олиб бораётган сиёсатимизни қўллаб-қувватламаганларнинг кўпчилиги бугун унинг тўғрилиги, муқобили йўқлигини тан олишга мажбур бўлишмоқда. Афғонистондаги аввалги тузум бир қатор сабабларга кўра ҳокимиятни сақлаб қолмаслигига амин эдик. Бу сабаблар қаторида аввалги ҳокимиятнинг мамлакат худудини тўлиқ назорат қилишга қобилсизлиги, муқофилат билан мулоқотга тайёр бўлмагани, инкловиз ҳукуматни шакллантиришга интилмагани ва давлат бошқарувининг барча даражаларида коррупция авж олганини келтириш мумкин.

Ҳозирги раҳбарий Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга, ўз ресурсларини аэропортлар, ички темир йўл тармоқлари, сув-энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга ва кўнор майдонларини қисқартиришга йўналтиришга муваффақ бўлди. БМТ маълумотларига кўра, «Толибон» 2023 йилда гиёҳванд моддалар савдосини тақиқлаганидан сўнг, Афғонистонда кўнор етиштирилгандан ерлар 95 фоизга камайган. Афғонистонда кўнордан холи келажак барпо этиш мақсадида қишлоқ аҳолисига ёрдам кўрсатилмоқда, қишлоқ ҳўжалигининг муқобил йўналишлари ривожлантириляпти.

Бугунги шароитда биз Афғонистонга стратегик имкониятлар нуқтаи назаридан қараш зарур деб биламиз. Ушбу мамлакатни халқаро иқтисодий жараёнларга жалб этиш, хусусан, унинг худудидида инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш жуда муҳим.

Шу маънода, биз Афғонистонга нафақат мавжуд инқироздан чиқиш, балки узоқ муддатли ривожланиш имконини берадиган ижобий кун тартибни ва ташаббусларни илгари суриш учун Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ҳамкорлар билан биргаликда ишлашга тайёримиз. Ҳозирда биринчи галдаги вазифа – Афғонистонга таълим соҳасида ёрдам беришни давом эттириш, деб ҳисоблаймиз.

Ишончим комил, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тиклаш Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатларининг умумий манфаатларига жавоб беради.

– Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи қандай қилиб иқлим хавфларига биргаликда қарши туриши мумкин, бу соҳадаги ҳамкорлик учун қандай имкониятлар мавжуд?

– Иқлим ўзгариши – бу энди инкор этиб бўлмайдиган ҳатар. Марказий Осиё курғоқчилик, музликлар эриши ва сув танқислиги билан юзма-юз келаётган бўлса, Европа аномал иссиқлик, ёғинлар ва экотизилар ўзгариши билан тўқнаш келмоқда.

Марказий Осиё иқлим ўзгаришига нисбатан энг сезигр худудлардан бири сифатида ўз масъулиятини тўлиқ англайди ва Европа билан узоқ муддатли ечимлар устида ҳамкорлик қилишга тайёр.

Биз учун сўзсиз устувор йўналиш – бу Марказий Осиёда «яшил» кун тартибини илгари суришдир. Самарқанд саммити доирасида биз «яшил»

ривожланиш бўйича минтақавий концепция лойиҳасини тақдим этишни режалаштирганмиз. Унда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва «яшил» технологияларни жорий этиш соҳасида самарали минтақавий ҳамкорликнинг мустаҳкам асосини яратиш кўзда тутилган.

Биз «ЕИ – Марказий Осиё яшил шериклиги» дастурини ривожлантиришни тақдир қилмоқдамиз. Унинг доирасида қайта тикланадиган энергия манбалари, экотизимларни тиклаш ва иқлимни рақамли мониторинг қилиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришда кучларимизни бирлаштиришимиз мумкин.

Сув ресурсларини тежаш соҳасидаги саяё-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бу борада Европа Иттифоқи билан ирригация инфратузилмасини модернизация қилишдан тортиб музликларни биргаликда қуатиши ва илгор сув тежовчи технологияларни жорий этишгача бўлган йўналишларда ҳамкорлик учун катта имкониятларни кўряпмиз.

ЕИ билан ҳамкорликни кенгайтиришдан, хусусан, давлат-хусусий шериклик соҳасида Европа таърибасидан фойдаланишдан умидимиз катта.

Устувор йўналишлардан яна бири – экотизимлар ва биохилма-хилликни тиклашдир.

Таназзулга учраган ерларни, шу жумладан, Оролбўйи худудини қўқаламзорлаштириш бўйича кенг кўламли дастур – «Марказий Осиёнинг яшил белбоғи» лойиҳасини аллақачон бошлаганмиз.

Бу борада Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш учун улкан салоҳият мавжуд.

Биз экологик соҳада таълим тизимини такомиллаштириш ва илмий тадқиқотлар ўтказишга ҳам устувор эътибор қаратяпмиз. Ўтган икки минтақамизда биринчи «Яшил» университетни очдик, бу таълим маскани қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва инновацияларни жорий этиш учун самарали майдон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

– Бўлажак олий даражадаги учрашувдан нималар кутяпсиз? Саммит якунида қандай натижаларга эришилишини истардингиз?

– Бўлажак саммит ҳақиқатан ҳам тарихий аҳамият касб этади, чунки биринчи марта Марказий Осиёнинг бешта мамлакатни ва Европа Иттифоқи етакчилари бир жойда тўпланади.

Биз бу саммит Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги саҳифа бўлишини кутамиз. Кейинги йилларда ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги босқичга қўтарилиши мумкин. Сиёсий мулоқот янада чуқурлашди, ҳамкорлигимизга янада тизимли туш берадиган, уни узоқ муддатли мақсадларга йўналтирадиган янги механизмлар ишлаб чиқилади, деб умид қиламиз. Минтақаларо, айниқса, иқтисодий, савдо, энергетика ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорликни муҳокама қилиш саммит кун тартибидидаги муҳим масалалардан бири бўлади.

Самарқанд декларациясининг имзоланиши саммитнинг асосий натижаларидан бири бўлиши керак. Бу ҳужжат томонларнинг стратегик шериклик ўрнатишга бўлган умумий интилишини акс эттиради. Декларация нафақат эришилган келишувларни мустаҳкамлайди, балки минтақаларимиз ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш учун асос яратади.

Биз инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, инновациялар ва рақамли ечимларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ келишувларга эришишдан умидворимиз.

Албатта, қўллаб-қувватлаш саммит якунида жавоб топилади. Бироқ ҳозирдан айтиш мумкинки, бу учрашув Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида барқарор, ўзаро манфаатли шерикликни барпо этиш йўлидаги муҳим қадамга айланади. Бу шериклик умумий манфаатлар, ишонч ва биргаликдаги тараққиётга интилишга асосланган бўлади.

– Сизда Европа етакчилари ва фуқароларига битта муҳим фикрни етказиш имконияти бўлганда, нима деган бўлар эдингиз?

– Бугунги имкониятдан фойдаланиб, европалик ҳамкорларимизга мурожаат қилмоқчиман.

Марказий Осиё мулоқот ва ҳамкорлигини кенгайтиришга очик. Биз барқарор ривожланиш ва халқларимизнинг фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган, ўзаро манфаат ва ишончга асосланган конструктив ҳамкорлик тарафдоримиз.

Биз Европа Иттифоқининг минтақа очиклигини таъминлаш, унинг раванка ва субьектлигини мустаҳкамлашга қаратилган интилишларимизни қўллаб-қувватлаётганини юксак қадрлаймиз. Айниқса, Европа Иттифоқи Марказий Осиёни барқарор ва жадал ривожланаётган, барча манфаатдор томонлар билан очик ва тенг ҳуқуқли шерикликка тайёр бўлган минтақага айлантиришдек мақсадимизда биз билан ҳамфикр экани жуда муҳимдир.



«Ishonch»га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР



ИНСОН ОМИЛИНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН

«ISHONCH» ГАЗЕТАСИНING 2025 ЙИЛ 18 МАРТДАГИ СОНИДА «ҲАМШИРА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ?» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЭДИ. УНГА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИДАН ҚУЙДАГИ МАЗМУНДА ЖАВОБ КЕЛДИ:

«Президентимизнинг 03.10.2019 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб, давлат органлари ва ташкилотларидаги давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш очик мустақил танлов асосида амалга оширилиши белгиланган.

Бунда инсон омилни камайтириш ҳамда барча фуқароларга тенг имкониятлар яратиш мақсадида агентлик томонидан Давлат фуқаролик хизмати вakanт лавозимларининг ягона очик портали – vasapsu.args.uz ишлаб чиқилди ва мазкур электрон платформа орқали 200 мингдан ортиқ танлов ўтказилди.

Шу билан бирга, давлат раҳбарининг 06.07.2021 йилдаги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан 2021 йил 1 сентябрдан ҳокимият ва бошқаруви органлари, унитар корхона ва муассасалар, шунингдек, давлат улуши 50 фоиздан юқори

ташкilotларда ишга қабул қилишни очик танлов асосида амалга ошириш бўйича тартиб жорий этилган.

Шунга кўра, давлат органлари ва ташкilotларининг расмий сўровига мувофиқ, ишга қабул қилиш жараёнининг шаффошлигини таъминлаш, ҳамма учун тенг имконият яратиш мақсадида таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, акциядорлик жамиятлари ҳамда бошқа меҳнат жамоаларидаги бўш иш ўринлари, шунингдек, ижро этувчи ҳокимият органларида ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган вakanсиялар vasapsu.args.uz электрон платформаси орқали эълон қилинмоқда.

2023-2024 йиллар мобайнида мазкур ташкilotлар ва йўналишлардаги вakanт лавозимларни салоҳиятли кадрлар билан тўлдириш мақсадида 20 мингдан ортиқ танлов ташкilot этилди. Шу жумладан, вазирлик, идора, акциядорлик жамиятлари ва тижорат банкларида ноиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган вakanт лавозимлар учун 5 мингдан

ортиқ танлов эълон қилинди.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 04.04.2024 йилдаги тиббиёт муассасаларидаги вakanт лавозимларни ягона тизим орқали эълон қилиш ҳамда тиббиёт муассасаларига салоҳиятли кадрларни танлаб олишга оид сўрови асосида, агентлик ушбу жараён учун ўзининг шаффоф электрон платформасини тақдим этган.

Бунда танлов жараёнининг барча босқичлари иш берувчи муассаса томонидан амалга оширилиб, номзодлар вазирлик томонидан белгиланган алоҳида тест синовидан ўтказилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, агентлик томонидан ишга қабул қилиш жараёнида фуқаролар ва ташкilotлар учун янада қўлай шарт-шароит яратиш, шунингдек, танловларни юқори даражада шаффоф ва адолатли ташкilot этиш мақсадида ташкilot ва муассасаларга махсус электрон платформадан фойдаланиш имконияти яратилаётганлиги маълум қилинади.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари А. МУСАЕВ

Мазкур мақолага Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам ўз муносабатини йўлади:

ТЕНГ ИМКОНИЯТ ЯРАТИШ МАҚСАД ҚИЛИНГАН

«Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкilot этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 1-бандида 2021 йил 1 сентябрдан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхона ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкilotларда ишга қабул қилишни очик танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказилаётган синов тадбирларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартиб жорий этилиши белгилаб қўйилган.

Шу муносабат билан тизимдаги ташкilotларга ишга киришда барча номзодларга тенг имкониятлар яратиш ҳамда профессионал кадрларни саралаб олиш мақсадида Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг тегишли платформасидан фойдаланилаётганини маълум қиламиз.

Юқоридагиларни инобатга олиб, вазирлик тизимига ишга қабул қилиш тартибини «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонунга ёки Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига боғлаш ноўрин эканлигини эслатган ҳолда, тизим ривожини учун бефарқ бўлмаганлигини учун миннатдорчилик билдираемиз».

Соғлиқни сақлаш вазири А. ХУДАЯРОВ



СОВРИНДОР СПОРТЧИЛАР КУТИБ ОЛИНДИ

25-30 март кунлари Сингапурда сув полоси бўйича U-20 ёш тоифасидаги Осиё чемпиони бўлиб ўтди. Мусобақада қитъанинг 8 та давлат терма жамоалари голиблик учун кураш олиб борди.



Олти кун давом этган қизгин баҳсларда Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси 5-ўринни эгаллади. U-20 қизлар терма жамоаси эса гуруҳ босқичини муваффақиятли якунлаб, умумий натижаларга кўра, бронза медалига сазовор бўлди. Шунингдек, қизлар жамоаси бу натижа орқали жорий йил бўлиб ўтадиган U-20 ёш тоифасидаги жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритди. Жаҳон чемпионати қизлари йилнинг 10-28 август кунлари Бразилиянинг Салвадор шаҳрида бўлиб ўтади. Мусобақада Хитой терма жамоаси чемпионлиқни қўлга киритган бўлса, Қозоғистон

жамоаси кумуш медал билан тақдирланди.

Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчилар Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тантанали равишда кутиб олинди. Кутиб олиш маросимида Ўзбекистон сузши федерацияси масъуллари, спортчиларнинг ота-оналари ва яқинлари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Бу ютуқ Ўзбекистонда сув полоси спорт турининг ривожланишига хизмат қилиши ва ёш спортчилар учун катта рағбат бўлиши, шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши томонидан ҳар йили «Энг яхши ташкilot», «Энг яхши касабани уюшма кўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» номинациялари бўйича кўрик-танлов ўтказиб келинмоқда.

Фаолият муҳофазаси – Барча учун муҳим!

Республика кўрик-танлови қизгин паллага кирди

Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчилик эътиборини меҳнатни муҳофазаси қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, шунингдек, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда касабани уюшмалари фаолиятини самардорлигини оширишдир.

Танлов доирасида энг яхши тажрибалар аниқланиб, бошқа ташкilotларда қўллаш билан бирга, хавфсизлик маданияти, меҳнат муҳофазаси стандартлари ва самарали ишлаш методлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар ҳам ўтказилади. Таклиф этилган инновацион ёндашувлар, хавфсизлик технологиялари ва меҳнат муҳофазаси механизмлари ўрганилиб, амалиётга жорий этилади. Бу эса меҳнат муҳофазаси соҳасини такомиллаштириш ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда барча ҳудудларда кўрик-танловнинг вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда. Хусусан, Хоразм вилоятида ҳам Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкilot этиш юзасидан Республика кўрик-танлови тўғриси-

даги Низом талаблари ва баҳолаш мезонлари асосида тармоқ ходимлари касабани уюшмасига аъзо 30 дан ортиқ корхона ва ташкilotлар ҳужжатлари кўриб чиқилди. Натижада «Энг яхши ташкilot»га Шовот тумани ҳокимлиги, «Энг яхши касабани уюшма кўмитаси»га вилоят Фавкуллода вазиятлар бошқармаси, «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил»га АТ Халқ банки Хоразм вилояти минтақавий маркази, «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис»га Тупроққалъа тумани ҳокимлиги тақдим этган ҳужжатлар лойиҳа, деб топилди. Улар кўрик-танловнинг республика босқичида ҳам иштирок этиш имкониятини қўлга киритдилар.

Қайд этиш жоизки, республика босқичида фахрли ўринларни эгаллаган корхона ва ташкilotларга 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофазаси қилиш куни арафасида Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши томонидан ташкilot этиладиган тантанали тадбирда диплом ва эсдалик совғалари топширилади.

Илҳом ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси

МЕҲНАТНИ ЗАВҚҚА АЙЛАНТИРГАН ЖАМОА

Тартиб-интизом, касбга меҳр, масъулият, ўзаро меҳр-оқибат бор жойда унумдорлик ҳам шунга яраша бўлади, киши кўтаринки руҳда меҳнат қилади. Ана шундай ташкilotлардан бири «IT-Парк»дир. 2019 йил 10 январда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ ташкilot этилган IT-Паркнинг республика бўйлаб 14 та филиалида ҳозир 244 нафар ишчи-ҳодим фаолият юритади.

– Қўлай меҳнат шароитлари, етарли маош иш унумини таъминлайди, – дейди корхона бош директори ўринбосари Жаҳонгир Ражабов. – Ҳодимларимиз «IT-Парк» – бу иш эмас, бу яшаш услубимиз» деган ширorni ўзларига дастуриламал деб билишади.

– Ҳар бир ҳамкасбимизни нафақат ишлашга, балки шахсий ҳаётда ҳам қўллаб-қувватлашга интиламиз. Чунки жамоа муваффақияти аъзоларнинг хотиржамлиги ва турмуш фаровонлигидан бошланади, – дейди касабани уюшмаси кўмитаси раиси Акром Ачилов.

Ташкilotда ишчи-ҳодимларнинг оиласидан ҳам хабар олинади. Бирор яқинини йўқотганлар моддий қўллаб-қувватланади. Оилаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари берилади. Янги оила қурган ёшлар ҳам моддий рағбатлантирилади.

«IT-Парк» дирекцияси қошида мўъжазгина тамаддиҳона очилган. У ерда ҳодимлар тушлик қилишади, бир пийла чой устидан суҳ-

батлашади. Яхши дам – меҳнатга ҳамдам, деганларидек тоғ ёнбағирлари, табиат қўйига саёхатлар уюштирилади. Кино кечалари, шахмат, стол тенниси турнирлари ва турли корпоратив танловлар... Буларнинг барчаси жамоавий руҳни мустаҳкамлашга, иш жараёнини нафақат мажбуриятга, балки завқли машғулотга айлантиришга ҳам ёрдам беради.

Спорт машғулотлари кўпчиликини бир мақсад сари жипслаштириш ҳамда ишчанлик кайфиятини оширади. Бу йўналишда ҳам шароит яратилган. Тўловнинг тенг ярми қоплаб берилиши сабабли ҳодимлар спортнинг ўнлаб турлари билан шуғулланишлари мумкин. Бундан ташқари, уларни сиҳаттоҳларда соғломлаштириш ҳам раҳбарият эътиборидан четда эмас. Ҳар йили ишчи-ҳодимларга ва уларнинг ота-оналарига санаторийларга чеғирмали йўлланмалар тақдим этилади. Фарзандлари эса ёзи таътилда оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришади.

Ташкilotда меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазасига амал қилиниши таъминлаб борилади. Бу борада турли ўқув машғулотлари ва семинарлар ўтказилади. Меҳнат қонунчилигидаги ўзгариш ва янгиликлардан ҳодимлар доимо огоҳ этилади.

– Ишчи-ҳодимлар йилда тўрт марта йўриқномалар билан таништирилади ва бу борадаги билимлари баҳолаб борилади, – дейди меҳнат инспектори Ҳожиакбар Пулатов.

«IT-Парк» МЧЖ корхонаси Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкilot» кўрик-танловининг Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабани уюшмаси босқичида биринчилиқни, Федерациянинг республика босқичида эса совринли ўринни эгаллаган. Бундан ташқари, ўтган йили «IT Park» «Uzbekistan ISO 9001:2015» халқаро сертификатини қўлга киритди. Бу ташкilotдаги бошқарув тизими халқаро стандартларга мос келиши, сифатли бошқаришга тизимли ёндашув жорий этилганини тасдиқловчи кўрсаткичдир.

Шу кунларда мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш мақсадида мазкур ташкilotда трансформация жараёни олиб боришмоқда. Бу борада юртимиз ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқишига имкон излашмоқда. Лойиҳалар яратилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган, ишчан ва аҳил жамоа олдига қўйган мақсадларига эришишига ишонамиз.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»



Янги ўзбек дипломатияси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи

– 2016 йилдан кейин Марказий Осиё моҳиятан янги қиёфа касб этмоқда. Мен бу ўринда унинг халқаро геосийосий саҳнада ўзгараётган мақомини назарда тутяпман. Сухбатимизни шу ҳақдаги қарашларингиз билан бошласак.

Эҳтимол, шу сабаб иш бошлаган илк кунлариданоқ айни масалада батамом янги ёндашув, янги ҳаракатлар дастурини илгари сурди. Бугун биз тўлиқ асос билан айтишимиз мумкинки, бу аслида Президент Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Марказий Осиёдаги минтақавий сиёсатга доир доктринаси эди.

Доктрина – яхлит сиёсат назарияси ва амалий дастурлар ҳаракатини ифодаловчи истилоҳ. Тарихдан «Трумэн доктринаси», «Брежнев доктринаси», «Рейган доктринаси» каби ибораларни кўп ўқиганмиз, эшитганмиз. Биз ҳозир мулоҳаза юритаётган жараёнлар эса XXI аср Марказий Осиёдаги яқдиллик, стратегик ҳамкорликка асосланган ривожланиш доктринаси бўлди, дейиш мумкин. Мен тўлиқ ишонч билан айтаман, айнан Мирзиёев доктринаси эвазига Марказий Осиёда вазият батамом ўзгарди.

Аввало, давлатлараро мулоқот тикланди. Зотан, унинг мавжудлиги энг муҳим унсур эди. Яъни биз энди барча масала бўйича ўзаро гаплаша бошладик.

Бу доктринанинг глобал сиёсатда тутган ноёб ўрни шундаки, у Марказий Осиёни ягона тақдирга эга бўлган минтақа ўлароқ кўришни катъий мақсад сифатида белгиланган. Ҳақиқатан ҳам, бирон-бир мамлакат яққа ўзи ривожланиб кета олмайди. Биз бир-биримиз билан шу қадар боғлиқмизки, биримизда бошланган муаммо иккинчимизда албатта буй кўрсатмай қолмайди.

Қолаверса, ҳар бир мамлакатнинг муваффақияти бутун минтақага ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Яъни мамлакатлар бир-бирининг ютуғидан манфаатдор.

Рақобат доимо ва ҳамма ерда бўлади. Бу – табиий ҳол. Аммо унинг характериға кўп нарса боғлиқ. Масалан, у мен сендан зўрман, қабилада кечса, билинги, истиқбол йўқ. Аксинча, ушбу рақобат умумманфаатни, яқдил қарашларни ўзида ифода этса, тамоман бошқача манзара намоян бўлади. Мирзиёев доктринасининг моҳиятида худди шу стратегияда туради.

Аслини олганда, ўжарлик, «Мен айтганимдай бўлиши шарт!» деб қайсарлик қилишдан осони йўқ. Бирок бу йўл одамни боши берк кўчага олиб кириб қўяди. Бу ўринда иккинчи жиҳатни ҳам эсдан чиқармаслик керак. Дейлик, масалани биргаллик, ҳамма томонни тинглаб, ҳар бир муаммони ётиги билан ва ҳисобга олиб ҳал этиш истиқболли эканини ҳамма билади. Бирок буни тан олиш учун кишидан катта сиёсий ирода, қолаверса, ҳамкорлар билан муносабатларни тўғри йўлга қўйишда катта маҳорат талаб қилинади.

Келинг, даъвомиз асосиз бўлмаслиги учун оддийгина сув муаммосига бўлган умумий қарашларни олайлик. 2016 йилгача гўё бу «уйин»да қайсидир давлат ютса, бошқалар ютказадил, деган таассурот бор ва бу ҳатто реал тушунчага айланб қолгандек эди. Бу ечим эмас, балки минтақада уйғониши мумкин бўлган беқарорликнинг калити эди, аслида. Мирзиёев эса масалани муштарак мақсадлар йўлида уйғунлаштириш ва шу орқали мавжуд муаммони ҳал қилиш таклифини илгари сурди. Табиийки, бундай ёндашув ҳаммининг манфаатига мос келади ва муҳими, муаммо бартараф этилади. Буни аслида превентив дипломатия ёки дипломатик маҳорат натижаси, деса ҳам бўлади.

Албатта, айни сиёсат натижасини жаҳон ўзида ҳис қилди. Шу ўринда битта муҳим фактни келтириш мумкин. Мана шу муштараклик сиёсати натижасида халқаро сиёсат йўлида «Марказий Осиё руҳи», деган ибора пайдо бўлди. Ва бир овоздан халқаро ҳамжамият, янги давлатлар, қўшни мамлакатлар шуни эътироф этадики, бу ўзгаришларнинг муаллифи Ўзбекистон раҳбари, Президент Шавкат Миромонович Мирзиёевдир.



– АҚШнинг Питтсбург университети Бошқарув ва Бозорлар маркази директори, узоқ вақтдан бундан Марказий Осиёни ўрганиб келатган тадқиқотчи Женифер Брик Муртазаваши халқаро ОАВлардан бирига берган интервьюсида минтақамизнинг бугунги геосийосий манзарасини тахминан мана бундай ифода қилди: «...Марказий Осиёни борича кўриш вақти келди. Бу энди постсовет худуди эмас. У – Евроосиё. Мен Марказий Осиёга постсовет призмаси орқали қараб келинган деб ўйлайман, унга Евроосиё суперконтинентининг юраги сифатида қаралмайди».

Айнан шу иқтибосга феълан яқин фикрни россиялик машҳур тарихчи, антрополог Сергей Абашин ҳам ўтган йили ижтимоий тармоқлардаги саҳифасида қолдирди. У Ўзбекистоннинг Париж олимпиадасида зафарлари ҳақида гапира туриб, шундай деганди: «2024 йилги Олимпиада факулдада муҳим воқеага айланди. Гендер ва санъат мавзулари муҳокамаси билан эмас, балки, энг аввало, Марказий Осиё мамлакатлари ва айниқса, 8 та олтин медални қўлга киритиб, 13-ўринни эгаллаган Ўзбекистон спортчиларининг кўрсатган ажойиб натижалари билан эса қолабидан бўлди (эслатиб ўтмоқчиман, олимпиада ютуқлари билан бир қаторда, ўзбек шахматчилари ҳам сўнги йилларда жаҳон рейтингда юқори ўринларни эгаллаб келяпти). Спорт тилида айтганда, биз Марказий Осиё давлатлари умумшарий миқёсда танлаётган ва тан олинаётган муҳим ўйинчиларга айланб бораётганига ва ўз субъектлигини англаб етаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу дунёда ва собиқ постсовет худудида ҳақиқий тарихий силжиш бўлиб, ҳали узоқ давом этаётган ва шубҳасиз, табиий жараёндир».

Уйлайманки, ҳар иккала тадқиқотчи нимага ишора қилаётгани тушунарли. Айтинг-чи, минтақанинг яхлит бир сиёсий субъект сифатида ёки янада очикроқ айтганда, «муҳим актор»га айланб бораётганини бугун нималарда кўришимиз мумкин?

– Саволингиз ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан муҳим. Ҳозир кўпчилик бунинг негизида ётган масалани англаётгани йўқ. Яъни бугун Марказий Осиё яхлит бир минтақа ўлароқ тарихий ва умум ўзлғи – идентитетини англаш ва бунинг баробарида дунёга ўзини янгидан «таништириш» йўлига ўтди. Сиз тилга олган олимлар билан бу борада фикри муштарак бўлган экспертлар жуда кўп. Масалан, Бернард Льюис, Принстон университети профессори. У ҳам машҳур тадқиқотчи эди. Унинг тадқиқотлариға турлича муносабат билдирши мумкин. Лекин халқаро илмий жамоатчилик тан олган Марказий Осиё, Ислон дунёсини чуқур ўрганган ушбу эксперт суҳбатларимиздан бирида айтган эдики, Марказий Осиё бугун жаҳон геосийосий харитасида худди қадимий даврлар, ўрта асрлардаги каби кенгрок маконнинг бир қисми сифатида балқимоқда. У Яқин Шарқ, Ҳиндистон ярим ороли,

Узоқ Шарқларнинг узвий қисми ўлароқ кўзга ташланмоқда. Унга эндиликда асло собиқ Совет Иттиқоқи, совет империяси чегараларини қўллаган ҳолда қараш мумкин эмас.

Мавриди келганда, Президентимизнинг айни масалада яна бир ниҳоятда фундаментал, стратегик фикрларига эътиборингизни жалб этмоқчиман: «Афғонистон Марказий Осиёнинг ажралмас қисмидир». Эски постсовет ёндашувлари, улчамлари билан фикрласак, у бошқа дунё, албатта. Аммо бугунги кун воқелигидан келиб чиқилса, вазият ўзгаради: Афғонистон ҳам Марказий Осиёнинг бир қисми. Ахир қандай қилиб, дарёлари, табиати, маданияти, ўтмиши муштарак бўлган давлатни харитада кесиб ташлаш мумкин?! Бундан ҳам муҳими, бу қўшни давлатларнинг муштарак савдо йўлақлари.

Юртбошимизнинг яна бир муҳим фикри борки, у ҳам халқаро ҳамжамиятда кўп эътироф этилмоқда: «Афғонистонга хатар манбаи эмас, имкониятлар макони сифатида қарашимиз керак». Ўз-ўзидан англашиладики, бу ўлкадаги барқарорлик барча учун тенг манфаатлидир. Биринчидан, ушбу яқин ҳамкорлик ва тинчлик Афғонистон халқи учун узоқ йиллик озулар руёи бўлса, биз учун ҳам бу хотиржамлик, иқтисодий-сиёсий истиқболлар эшигини очади. Сир эмас, бугун ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг Жанубий ва Шарқий Осиё билан ўртамуҳим даврдек бўлиб турибди. Агар у ердаги вазият тўла тикланиб, трансфрон йўлиға барпо этиладиган бўлса, бизнинг жаҳон бозорлариға чиқиш масофамиз уч-тўрт баробар қисқаради.

Ҳозир бизнинг ташқи савдо таннархида логистика чиқимлари 20-25 фоизгача боради. Бу – жуда катта маблағ. Ўзбекистонга энг яқин порт – 3 минг километрдан узоқ жойлашган. Дунёда логистика имкониятлари чекланган биздан бошқа мамлакат йўқ, деса, хато қилмайман. Ваҳоланки, савдонинг

Оламда БУГУН

New York Post маълумотларига кўра, март ойида тахминан 7 мингта чегарани ноқонуний кесиб ўтиш ҳолати аниқланган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 94 фоиз кам (ўшанда 137 минг ҳолат кайд этилган) бўлиб, сўнги 25 йил ичидаги энг паст кўрсаткичдир.

Европа Иттиқоқининг ташқи сиёсий хизмати раҳбари Кая Каллас Дональд Трамп президент сифатида қайта сайланса ҳам, НАТО ўз барқарорлигини сақлаб қолишини айтиди. El Mundo нашриға берган интервьюсида у «альянс кудратли» эфкини ишонч билдириб, иттиқочилар ўртасидаги савдо можаролари Пекин манфаатига ишлаётганини таъкидлади.

ЕИ: НАТО Трамп президентлиги даври якунини ҳам кўради

Бундан аввал Трамп Европа давлатларининг мудофаа харажатларидаги улуши камлигини танқид қилган ва уни ЯИМнинг 5 фоизгача ошириш талаби билан чиққан эди. Қолаверса, ЕИ, Канада ва Осиё мамлакатларидан келаётган темир ва алюминийға 25 фоизлик бож жорий этилди.

АҚШ Мексикаға миннатдорлик билдирди

АҚШ давлат котиби Марко Рубио Мексика Ташқи ишлар вазирини Хуан Рамон де ла Фуэнте билан учрашувда миграция ва хавфсизлик соҳасидаги «ўзаро ҳурматга асосланган ва конструктив ҳамкорлик» учун Мексикаға миннатдорлик билдирди. Рубининг таъкидлашича, ушбу ҳамкорлик туфайли чегарани ноқонуний кесиб ўтаётган мигрантлар сони сезиларли даражада камайган.

Импичмент бўйича суд қарори 4 апрелда эълон қилинади

Жанубий Корея Конституциявий суди президент Юн Сок Ёлга нисбатан импичмент масаласидаги қарорини 4 апрель куни эълон қилади.

Агар саккиз нафар судьядан олтитаси айбловларни қўллаб-қувватласа, президент дарҳол лавозимидан четлаштирилади ва мамлакатда 60 кун ичида муддатидан аввал сайловлар ўтказилади. Агар суд аризани рад этса, Юн Сок Ёл ўз вазифасини давом эттиради.

Мамлакатда вазият ҳали ҳам таранг – полиция қандай қарор чиқарилишиға қарамай, оммавий норозлиқлар эҳтимолиға тайёргарлик кўрмоқда. Чунки жамиятда амалдаги президент тарафдорлари ҳам, мухолифлари ҳам анча кўп.

ФЕНОМЕНИ

Ўринбосари Содиқ САФОЕВ билан суҳбат

Энг асосий имконият портлар, очик денгиз билан боғлиқ. Агар Афғонистон очилса, бу бизга улкан имкониятларни тақдим этади. Халқимизнинг оғири энгил бўлади, фаровонлиги ортади.

Энди бевосита саволга қайтсак, биз бугун минтақамиз, халқларимиз минг йиллардан бундан яшаб келаётган жонажон маконни қандай атасак тўғри бўлади – Марказий Осиёни, Мовароуннахрми, Туркистонми?! Лунда жавоб шундайки, қандай аташимиздан қатъи назар, минтақанинг умумий ўзлиги бўлиши шарт. Аини масалада ўртага ҳаққоний бир савол қўйиш ҳам мумкин: Европанинг ўзлиги бор, нега аини муҳим умумқод Марказий Осиёда бўлмаслиги керак? Бу илдога қарши кимдир «минтақада ҳамма бир тилда гапирмайди-ку», дейиши мумкин, лекин ана, Европада ҳам турли тилларда гаплашилади, аммо уларнинг муштарак қадриятлари, умумий тарихий мерос ва ўхшаш маданиятлари бор. Европа қадриятлари, бу уларники. Марказий Осиёнинг ҳам, албатта, ўз қадриятлари бор, буни биров инкор эта олмайди. Муҳтарам Шавкат Миромонович аини шу омилга таянмоқдалар. Бу жуда ҳам муҳим.

– Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувининг бир мавсуми ўтиб, иккинчи давраси старт олди. Энди бу форматни институционаллаштириш зарурати пайдо бўлмадими, деган савол тугилаяпти...

– Интеграция, институционаллаштириш ниҳоятда масъулиятли сўзлар ва жараён юқори даражадаги ҳамкорликни талаб этади. Нима учун Европа – Европа Иттифоқи бўлди. Чунки улардаги ягона тизим, ягона ёндашувлар, ягона тамойиллар, андазалар ва энг муҳими, муштарак қадриятлар шунга тақозо этади. Уйлайманки, Марказий Осиёга ҳали вақт бор. Биз бу ўринда қандайдир мамлакатлар, давлатлардан устун турган тузилмаларни тузиш ҳақида ўйлашдан қўра, ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган йўللарни кўпроқ ўйлашимиз керак, менимча. Бу борада Президентимиз томонидан катта ишлар амалга оширилганлигини бугун барча кўриб турибди.

Яқинда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетда Ўзбекистон дипломатияси тарихига бағишланган китоб тақдими ўтказилди. Уша тadbирда Қозғистоннинг юртимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Бейбут Атамқулов шундай деди: «Ўзбекистон Республикаси лидери Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг маслаҳат учрашувини ўтказиш бўйича ёрқин ташаббуси Марказий Осиё тақдирини ўзгартирди». Бу жуда адолатли эътироф.

– Аслини олганда глобаллашув даврида йирик ҳамда дунё тамаддунига таъсири бўлган минтақамиздаги бундай тарихий бурилишларнинг умумэътироф этилиши, халқаро ҳамжамиятнинг бу ўзгаришларга муносиб баҳоси ҳақида нималар дея оласиз?

– Ташаббуслар бўлади, у қандай натижа бериши мавҳум бўлиши мумкин... Бирок бу, қозғистонлик дипломат тилга олган эътироф яна бир бор қайтараман, тўлиқ асос билан Марказий Осиёни катта талафот, катта портлашдан сақлаб қолган натижадир. Нима учун баъзи давлат раҳбарлари илгари сурган

ташабуслар бирор натижа берса-бермас, ташаббуслари турли халқаро мукофотлар, ҳатто тинчлик бўйича Нобель мукофотига лойиқ қўриладию, бошқалариникига чап кўз билан қаралади? Ваҳоланки, мукофотлар тақдим этилгач, аксига олиб, тинчлик муҳити урушларга боғлиқ кетган ҳолатларни ҳам тарихда кўрганимиз.

Ўзбекистондек минтақавий мақомга эга йирик давлатнинг раҳбари шундай стратегик ташаббус билан чиқиб, уни асосли дастурлар билан мустақамлаб, минтақавий иқтисодиёт доктринасини ишлаб чиққанига нега эътибор берилмаслиги керак? Мен аминманки, бу хизмат, минтақа тинчлигини сақлаб қолиш, сақлаб қолишгина эмас, унинг равнақи, иқтисодий ривожланишига ҳам катта туртки берган ташаббуслар ҳам аслида Тинчлик бўйича Нобель мукофотига тўла муносиб.

Тарихдан биламизки, Марказий Осиё доимо 4 та йирик минтақа – Хитой, Ҳинд ярим ороли, Яқин Шарқ ва Урта Шарқ, ҳатто Россия ва у орқали Европага ҳам катта таъсир кўрсатиб келган. Ушбу тўрт минтақада бугун қудрат эгаллигига даъво қилаётган мамлакатлар пайдо бўлишида Марказий Осиёдан чиққан шахсларнинг ҳиссаси катта бўлган. Туркияни оласизми, Ҳиндистондаги Бобурийларни оласизми, Хитой маданияти ва тамаддунини ўрганасизми, таъсиримизни яққол сезишингиз мумкин. Бугун ҳам Марказий Осиё янги Осиёда, дунёда катта роль ўйнаяпти, деб тўла ишонч билан айта оламиз.

Қолаверса, нафақат маданият ва интеллектуал салоҳият, балки Евроосиёни боғловчи асосий транспорт йўлақлари ҳам аинан Марказий Осиёда бўлган. Минтақанинг энергетик захиралари, ривожланаётган иқтисодиёти дунё бозорларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Аиниқса, энг йирик иқтисодиётли Хитой, ўсиб келаётган иқтисодиётли Ҳиндистон, Покистон келажагида аинан Марказий Осиёдаги захиралар катта роль ўйнаши мумкин. Марказий Осиёнинг цивилизация ўрни, маданиятдаги ўрнини олинг. Бугун дунёнинг асосий муаммоси турли маданиятлар, турли цивилизациялар орасидаги низолар билан боғлиқ. Барча муаммолар шундан келиб чиқаяпти. Янги ўзаро тушуниш, ўзаро ишонч танқислиги...

Марказий Осиё Ислон дунёсининг юрагида жойлашиши билан бирга, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг иштирокчиси ҳамдир. Аинан шу ерда турли маданиятлар, динлар, цивилизациялар ўртасида мулоқот доимо бўлиб келган. Ва аини мультикультурализм ҳам дунё ҳамжамиятига намуна бўлиши мум-

кин. Бугун Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат ҳам аинан Марказий Осиёнинг ривожини таъминлашга қаратилгани билан эътиборга молик. Бу фақат минтақавий эмас, глобал аҳамиятга эга ютуқ, аслида.

– Ўзбек дипломатиясининг бугунги, ўзига хос бир қиёфасининг чизгилари нималарда яққол кўринадими?

– Тарих сабоқлари, ундан тўғри хулоса чиқариш – муваффақиятли ривожланиш, тараққиётнинг энг муҳим талабларидан бири. Нима учун ўтмишда Марказий Осиё, дейлик, Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган давлатлар ўз мавқеи, кучи, таъсири бўйича хозир биз энг йирик, глобал давлатлар деб биладиган мамлакатлардан беқиёс равишда устун турган? Одамнинг ишонини қийин, IX-XI асрларда Марказий Осиёда, Самарқандда зарб этилган дирҳам пул бирлиги ўша пайтда жаҳон савдосининг 60-70 фоизини таъминлаб берган. Худдики бугунги доллардек. Ҳатто Скандинавиядаги викинглар ўз ўлжаларини дирҳамга айлантиришга ҳаракат қилгани ҳақида тарихий манбаларда келтирилган. Чунки ўша пайтдаги энг кучли валюта, пул бирлиги Самарқанд дирҳами бўлган. Нима учун?! Чунки унинг замирида иқтисодиёт, фан, ҳарбий куч ва салоҳият ётади.

Савол тугилади: бундай муваффақиятга қандай эришилган ва нега у йўқ бўлди? Ва биз қандай қилиб, ўша Ренессансни қайта «уйғотишимиз» мумкин?

Тарих сабоқлари шунга кўрсатадики, Марказий Осиёнинг гуркираган, гуллаган пайтида узоқ масофали савдо учун имкониятлар яратилган эди. Яъни савдо муҳим. Лекин бу яқиндаги шахар ё қишлоқ билан савдо қилиш эмас. Самарқанддан Корея, Византия билан савдо алоқаларини ўрнатиш, нафақат товар айирбошлаш, балки гоғлар, фан, маданият айирбошлаш дегани эди. Узоқ масофали савдо учун яратилган имкониятлар ҳуқуқий, хавфсизлик нуқтаи назаридан таъминланган бўлади. Шу боис ўша даврларда бу ерда маданият, фан ри-

вожланиш. Чунки ўзини ўзи бойитувчи маданиятлар учун имкониятлар яратилган. Бугун Ўзбекистонда амалга оширилган ташки сиёсат, яъни очиклик ва кўп векторлик мана шу тарих сабоқларидан келиб чиқмоқда, деб ҳисоблайман.

2016 йилгача биз шунга эрдан чиқардик. Қўшнилари билан ҳатто чегараларни миналаштириб ташладик. Минтақада ички савдо атиги 8 фоизни ташкил қилган. Охириги 5-6 йил мобайнида эса Марказий Осиёдаги минтақавий савдо бир неча баробарга ортиб, 11 миллиард долларга етди. Бу Президентимиз олиб бораётган ташки сиёсат натижаларидан, тарих сабоқлари ва уларни қандай татбиқ этишнинг мисолларидан бири. Шу аснода биз кўриб турибмизки, Ўзбекистоннинг янги дипломатияси пайдо бўлди. Бугун Ўзбекистон ташки сиёсатини ҳамма билади, танийди. Унга прагматизм, яъни мақсадга қаратилганлик, виқор, салмоқчилик хос. Ташаббускорона характерга эга у.

Илгариги даврларда кутиб, вазиятга қараб утирардик. Бирор ҳодиса бўлдики, унга мослашишга ҳаракат қилардик. Бу фаол эмас, пассив сиёсат. Дипломатияда «Превентив дипломатия», яъни олдиндан кўра билиш, деган сўз бор. У ғалаба келтиради. Шу боис Ўзбекистон сўнги 7-8 йил мобайнида БМТ бир овоздан қабул қилган 10 дан ортиқ резолюциянинг муаллифи бўлди. Бошқа йирик глобал давлатлар бундай самара кўрсата олмади. Бу резолюциялар ҳавоий эмас, бевосита халқлар олдида турган муаммолар ечимига қаратилган. Масалан, Орол денгизи муаммоси, Марказий Осиёда консултиватив маслаҳатлашув учрашувларини таъсис этиш, парламентларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш – буларнинг ҳаммаси Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан илгари сурилган резолюцияларнинг қабул қилинишидир.

Биз яқинда ҳисоблаб чиқдик. Сўнги йиллар мобайнида турли даражадаги глобал ва минтақавий катта учрашувларда, фақат БМТ эмас, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, МДҲ мамлакатлари, Марказий Осиё билан боғлиқ халқаро форматларда Ўзбекистон томонидан 300 дан ортиқ ташаббуслар илгари сурилган. Табики, бу ташаббуслар бир кунда яратилмайди. Уларнинг замирида чуқур таҳлил, ҳисоб-китоб, оқибат-натижа-

ларини тўғри билиш этади. Бу Янги Ўзбекистон дипломатиясининг салмоқли, салобатли, прагматик ва ташаббускорона характерга эга қиёфасини кўрсатади.

Минтақа мақомига эга давлатларнинг ривожини, тараққиёти атрофидаги давлатлар тақдирини белгилайди. Ўзбекистон ҳам худди шундай давлатга айланиб бормоқда. Бу халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Демакки, сўнги йилларда яна бир муҳим бурилиш рўй бермоқда. Ўзбекистон нафақат минтақавий, балки умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш борасида ҳам фаол ҳаракат олиб бормоқда. Масалан, аинан Ўзбекистон раҳбарияти бутун дунё экологик талафот бусағасида тургани ҳақида БМТда гапирмоқда. Президентимиз бугун давлатлар ўзаро зиддиятларни четга суриб, битта кемада эканимизни англаб етиши кераклигини ўқирмоқда.

Трансчегаравий – чегарани билмайдиган хавф-хатарлар, деймиз. Ҳеч бир мамлакат уни ҳам, экологик масалаларни ҳам танҳо ўзи ҳал қилолмайди. Халқаро муаммоларга ўзаро ҳамкорликда ечим топиш керак. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон дипломатияси тарих сабоқларидан хулоса чиқарган ҳолда, ҳам умумбашарий, ҳам умумминтақавий муаммоларни ҳал этишга доимо тайёр.

Мана шундай сиёсий доктрина ва дипломатик муваффақиятлар замирида нафақат тинчликни сақлаш, балки уни мустақамлаш, минтақани умумий тараққиёт сари етаклаш принципи ётади. Бугун Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» биринчи саммити аинан шу мафқуранинг мантиқий давоми, амалдаги исботидир. Президентимиз раислигида ўтаётган мазкур саммит нафақат Европа ва Осиё ўртасидаги ақинлашув рамзи, балки Янги Ўзбекистон дипломатиясининг янги босқичга кўтарилганини кўрсатувчи воқелиқдир.

«Келажакка сармоя киритиш» шиори остида ташкил этилаётган бу саммит – мамлакатимиз ташки сиёсатининг фақат иқтисодий эмас, балки цивилизация, умуминсоний тамойилларга таянган ҳолда шаклланаётганини кўрсатади. Европа Иттифоқининг етакчи раҳбарлари, Марказий Осиё давлатлари президенти, халқаро молиявий институтлар раҳбарлари иштирок этаётган ушбу анжуман – янги геосиёсий архитектурада Ўзбекистоннинг ўз ўрнига эга эканини эълон қилувчи тарихий саҳифадир.

Мирзиёев доктринаси бугун нафақат минтақада, балки глобал сиёсатда ҳам устувор нуқтага айланиб бормоқда. У фақат Марказий Осиёни эмас, балки Афғонистондан то Европагача қамраб олган кенг маконни ўзаро боғлайдиган, барқарор тараққиёт ва мулоқотни таъминловчи доктрина сифатида юксалмоқда. Самарқанд саммити аинан шу қарашнинг, янги сиёсий тафаккурнинг амалий ифодаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу – Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги сиёсий субъект сифатида шаклланиб турганини аниқлашга янги босқич. Ва бу, албатта, Мирзиёев сиёсий доктринасининг тарихий ютуғидир.

– Содиқ Солиҳович, мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат!

Ҳусан ЭРМАТОВ
суҳбатлашди

Марин Ле Пен Макрондан афв сўрамайди

Франциянинг «Миллий бирлик» партияси етакчиси Марин Ле Пен Европа парламенти маблагларини талон-торож қилиш бўйича иш юзасидан президент Эммануэль Макрондан афв сўраш нияти йўқлигини билдирди.

«Йўқ ва яна йўқ. Менинг ишим ҳали афв ҳақида гапирш даражасигача етиб бормаган», деди у TF1 телеканалда эфирда.

31 март куни Париж суди Ле Пенни тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Унинг икки йили шартли ҳисобланади. Қолган қисмида у уй қамоғида, электрон билан узуқ тақиб яшashi керак. Сиёсатчи апелляция бериш ниётида.



1 апрель куни Хитой Халқ-озодлик армияси Тайвань атрофида кенг кўламли ҳарбий машқларни бошлади. Машқлар қамал, ҳаво ва денгиз зарбалари ҳамда турли қўшинлар ўртасидаги ҳамкорлик операцияларини ўз ичига олади.

Хитой кенг кўламли ҳарбий машқларни бошлади



22 март куни Тайвань 47 та хитой самолёти ва 7 та кеманинг яқинлашганини қайд этган. 40 дан ортиқ учувчи аппарат Тайвань бўғозининг ўрта чизигини кесиб ўтиб, оролнинг ҳаво муҳофаза ҳудудига кирган.

Тайбэй расмийлари вазиятни диққат билан кузатишларини ва зарурат тугилса, жавоб чораларини кўришга тайёр эканликларини маълум қилган.

Трамп Маск ҳақида: «У бизнесга қайтади...»

АҚШ президенти Дональд Трамп миллиардер Илон Маск яқин вақт ичида сиёсий фаолиятини тўхтатиб, тўлиқ бизнесга қайтиши мумкинлигини айтди. Унга кўра, Маск ўз компаниялари бошқарувига тўлиқ киришни хоҳламоқда.

«У ажойиб, иқтидорли йигит. Аммо унинг бошқариши керак бўлган катта империяси ҳам бор», деди Трамп Оқ уйда журналистларга.

Шу билан бирга, у Маскни имкон қадар сиёсий таъсир доирасидан чиқармай туриш ниётида эканини ҳам таъкидлаб ўтди.



Оламғир ОТАЁРОВ тайёрлади

АҚШ Давлат департаменти расмий вакили Тэмми Брюс Эрон ядро дастури бўйича музокаралардан воз кечадиган бўлса, Вашингтон жиддий чоралар кўришга тайёр эканини билдирди.

Давлат департаменти: «Агар Эрон келишувдан воз кечса, оқибатлари ёмон бўлади»

жорий этилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган эди.

Бунга жавобан Эроннинг БМТдаги доимий вакили Амир Саид Иравоний БМТ Хавфсизлик Кенгашига хат йўллаб, АҚШ ёки Исроил томонидан Эрон ҳудудига қарши ҳар қандай ҳаракатларга «зудлик

билан ва қатъий жавоб бериш» ҳуқуқи сақланиб қолишини маълум қилди.

«Биз зиддиятни кучайтиришни истамаймиз, аммо ўз суверенитетимизни ҳимоя қилишга тайёрмиз. АҚШ эҳтимолий оқибатлар учун тўлиқ жавобгар бўлади», деган дипломат.

АЁЛ АЛАМЛАРИНИ ИЧИГА ЮТИБ ЯШАШИ КЕРАКМИ?

ЮҚОРИ ЧИРЧИКЛИК 45 ЁШЛИ Ф. ЖУМАЕВА ИККИ ЙИЛДАН БУЁН ЭРИ БИЛАН БИРГА ЯШАМАСДИ. ШУ САБАБЛИ УЧ НАФАР ФАРЗАНДИ УЧУН АЛИМЕНТ УНДИРИЛИШНИ СЎРАБ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING 1211 РАҚАМЛИ «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»ГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ.

– 2012 йилда Сурхондарёдан Юқори Чирчиқ туманига келин бўлиб тушганман, – дейди у. – Турмуш ўртоғимнинг ота-онаси вафот этишган, ҳовлида қайинопам ҳам икки фарзанди билан яшарди. Опа-ука ўртасида тез-тез уй-жой можароси бўлиб турарди. Бора-бора турмуш ўртоғим ичкиликка берилиб кетди. Инсофга келиб қолар, деб яшаб юрдим. Орада икки қиз ва бир ўғил фарзандли бўлди. Аммо у ичкиликни ташламади, аксинча, ҳар кун маст бўлиб, жанжал қиладиган, болалар кўз ўнгида мени уриб-сўкадиган бўлди. Бундай зўравонлик такрорланавеганидан 6 ёшли кенжа ўғлим яхши гапиролмайдиган, салгина нарсадан ҳам кўрқадиган бўлиб қолди...

Эрим топганини ичавергач, маҳаллага ёрдам сўраб чиқдим. Мени «Аёллар дафтари»га киритишди ва битта тикув машинаси беришди. Хунарим борлиги учун бу менга айна муддао бўлди. Лекин топганим рўзгорга зўрга етарди. Эримнинг «хунари» қолмади, бизни уйдан ҳайдаб юборган пайтларда қўшниларникида ётиб юрдик. Уни маҳалла-қўй, қарин-

дошлар бир неча марта тартибга қақришди, аммо фойдаси бўлмади. Мен ҳаммасидан бешиб, охир-оқибат уч боламини олиб, ижарага чиқиб кетдим ва алимент учун ариза ёздим. Натижа бўлмагач, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Ишонч телефони»га мурожаат қилдим. Алимент миқдори салкам 40 млн. сўм экан. Ҳозирча менга 5 млн. сўм ундириб берилди. Айна пайтда ижара уйининг бир хонаси учун 1 млн. сўм тўлаб яшаймиз. Ўша хонада ҳам т и к у в -

чилик қиламан, ҳам болаларим билан яшайман. Кунлик ишларга чиқай десам, 11 ва 9 ёшли қизларим ҳамда ўғлимни ёлғиз қолдириб кетолмайман. Куни кеча эса, ижара эгаси уйни таъмирлашни айтди. Энди яна жой қидиришим керак...

Биз вазиятга оидлик киритиш, қолаверса, мушкул вазиятда қолган аёлга қандай ёрдам берилишини билиш учун Юқори Чирчиқ тумани «Истиқбол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ниязимбет Кенжалиевага кўнғироқ қилдик. У бизга оиладаги вазиятни тушунтириб, ижарага уй топишда ёрдам беришини, эр-хотинни муросага келтиришга яна бир бор уриниб кўришни айтди.

Мажбурий ижро бюросининг Тошкент вилояти бошқармаси маълумотига кўра, Е. Мирзаевнинг алиментдан қолган қарздорлиги ҳозир 39 млн. сўмдан зиёд экан. Зарур чоралар кўрилмоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Кейинги пайтларда турмуш ўртоғининг зулм ва зуғумларидан чарчаган баъзи аёлларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари, минг афсуски, учраб турибди. Ф.Жумаевага эса ҳимоя ордери 3 марта берилган экан. Шундай бўлса-да, оиладаги вазият ҳамон яхшиланмаган.

Сизнингча, мунтазам ичкилик таъсирида бўладиган одамнинг оиласи бағрига қайтиши тўғри бўладими? Кейинчалик бу зўравон эр аёли ёки фарзандларига зиён етказмаслигига ким қафолат беради? Ёки аёл аламларини ичига ютиб, барчасига чидаб яшашга мажбурми?

Мушкул вазиятда қолган оқизанинг муаммоларига мутасаддилар тез орада жиддийроқ эътибор қаратадилар, деган умиддамиз.

Холида
ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЮРИТИШДА...

САВОЛ: Яқинда мени корхонамиз касаба уюшмаси қўмитаси раислигига сайлашди. Қўмита фаолиятини юртиш учун иш берувчига қандай мажбуриятлар юкланган?

Ирода ТЎХТАЕВА
Ғиждувон тумани

ЖАВОБ: «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ иш берувчи зиммасига касаба уюшмалари фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишга доир бир қатор мажбуриятлар юклатилган. Чунончи, иш берувчи касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя қилиши, уларнинг фаолиятига қўмақлашиши, ходимларнинг манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилинишига қадар касаба уюшмалари билан маслаҳатлашувлар ўтказиши, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда эса уларнинг розилигини олиши, касаба уюшмалари таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиши ва уларга қабул қилинган қарорлар ҳақида ёзма шаклда, сабабларини кўрсатган ҳолда хабар қилиши, касаба уюшмалари органлари вакиллари улар манфаатларини ифода этаётган ходимларнинг иш жойларига менежмент киритиши, касаба уюшмаларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли масалалар бўйича зарур ахборотни бепул тақдим этиши, касаба уюшмалари ўз вазифаларини бажариши учун зарур шароитларни таъминлаши шарт.

Иш берувчи касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги фаолиятдан озод этилмаган шахсларга касаба уюшмаларига оид мажбуриятларини иш вақтида бажариши учун муддат бериши керак. Шунингдек, касаба уюшмаларига жамоа шартномасида, келишувда белгиланган мақсадлар учун тегишли миқдорларда маблағлар ўтказиши лозим.

Ҳуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими

ЎЗИНГИНИ КОРИНГГА ЯРАМАСА...

НАМАНГАН-ЛИК ЮЛДУЗ-ХОН ИСМОИЛОВА МИНГБУЛОҚ ТУМАНИДАГИ «ҚОРАШАҲАР» МАҲАЛЛАСИДА ТУРМУШ ЎРТОҒИ ВА ИККИ ФАРЗАНДИ БИЛАН ТИНЧ-ТОТУВГИНА ЯШАЁТГАНДИ. ҚАЙИНСИНГЛИСИ УЛАРНИНГ ҲОВЛИСИГА КЎЧИБ КЕЛДИ-Ю, ОИЛАНING ТИНЧИ БУЗИЛДИ. ОХИРИ БЎЛМАДИ, КЕЛИШМОВ-ЧИЛИКЛАР АВЖИГА ЧИҚА-ВЕРГАЧ, 16 СОТИХЛИ ҲОВЛИ ВА ТОМОРҚАНИ АКА-СИНГИЛ ЎРТАСИДА ИККИГА ТАҚСИМЛАШДИ.

билан ажрашгиси келмади. Шу боис маҳалла фуқаролар йиғинига, туман ҳокимлигига мурожаат қилди. У ердагилар можарони ҳал этмагач, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»га сим қоқди. Қарабсизки, тез муддатда юзага келган вазият мутасаддилар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Пировардида, Юлдузхон қайинсинглиси билан яраштирилди ва ўз уйига киритиб қўйилди.

Уч фарзанднинг онаси Шохиста Сайфутдинова Норин туманининг Навоий номидаги маҳалласида истиқомат қилади. Маълумоти – олий, Фарғона давлат университетидеда иқтисод йўналиши бўйича тахсил олган. Шунга қарамай, иختисослиги бўйича иш излаб, узоқ вақт овор-яро сарсон бўлди. Лекин барча ҳаракатлари зое кетди. Бундан бир неча ой олдин эса, минг бир истиқола билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч

телефони»га кўнғироқ қилди. Шундан сўнг муз ўрниндан кўчди. У ўзи яшаётган ҳудуддаги 14-давлат иختисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатга фазначи лавозимига ишга олинди.

Кўриб турганингиздек, иккала ёш аёлнинг ҳам корига касаба уюшмалари яради. Бу – яхши, лекин... Лекин «Ишонч телефони»га мурожаат қилмасларидан олдин маҳалла ва туман ҳокимлиги масъуллари уларнинг дардларини эшитсалар, муаммоларини ижобий ҳал этиш чораларини кўрсалар ҳам бўларди-ку! Акс ҳолда, фуқаролар йиғинининг штат бирликларини кун сайин кўпайтиришдан, маҳаллага ҳоким ёрдамчиси тайинлашдан, бунинг учун маблағ сарфлашдан кимга ва қандай наф бор? Худудлардаги аҳолини ишга жойлаштириш, нотинч хонадонларни муросаю мадорага келтириш уларнинг биринчи даражали вазифалари эмасми? Бундай масалалар билан, аввало, улар шуғулланишлари лозим эмасми? Ёки маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли номигагина ишга келиб-кетса бўлдимми?..

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

«ОИЛАВИЙ ШАРОИТИМ ҲАМИНҚАДАР. «РЎЗҒОР – ҒОР» ДЕГАНЛАРИ РОСТ ЭКАН. БИРИГА ТОПСАК, БИРИГА ЕТМАЙДИ. БИРОР ЖОЙГА БОРИБ ИШЛАЙ ДЕСАМ, ТУРМУШ ЎРТОҒИМ ҚАРОВСИЗ ҚОЛАДИ. ОДАМЛАР ҚАТОРИ БИНОЙИДЕК ЯШАБ КЕЛАЁТГАНДИК. КУТИЛМАГАНДА УМР ЙЎЛДОШИМ ХАСТАЛАНИБ ҚОЛДИ. БИР НЕЧА БОР ШИФОХОНАДА ДАВОЛАНИБ ЧИҚСА ҲАМ ФОЙДАСИ БЎЛМАЯПТИ. ЮРАГИ ОҒРИГАНДА ОРҚА МИЯСИГА КИСЛОРОД ЕТИШМАЙ ҚОЛАДИ. ШУНДА ҚАТТИҚ САРОСИМАГА ТУШАМАН. ДАВОЛАНИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАЙ ДЕСАК, ЧЎНТАК ҚУРҒУР КЎТАРМАЙДИ. ДАРД УСТИГА ЧИПҚОНДЕК, ГОҲИДА ДОРИЛАР ҚИММАТЛИГИДАН ЛОАҚАЛ БИТТА ТАБЛЕТКАГА ҲАМ ПУЛ ТОПОЛМАЙ ҚОЛАМАН.

ОРТАЁТГАН ИШОНЧ

Шифокорлар дорини узлуксиз қабул қилсин, деб тайинлашган. Аммо бунинг имкони йўқ. Ўша кунни ҳам шифокор хузуридан келаётганим. Қўлимдаги рўйхатда ёзилган дозиларга пулни қаердан топишни билмай бошим қотганди. Шунда кўшни маҳаллада яшовчи аёллардан бири Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилишнинг маслаҳат берди. Унинг айтишини қилдим. Кўп ўтмади, уйимга маҳаллагадилар келиб, «маҳалла еттилиги» дори-дармон учун моддий ёрдам пули ажратиш бўйича қарор қабул

қилганини, 1 миллион 875 минг сўм миқдоридаги моддий ёрдам пули пластик картага туширилганини айтишди. Дарров керакли дориларни харид қилдим. Ҳозир турмуш ўртоғимнинг саломатлиги тикланмоқда...».

Бу шунчаки қуруқ гап эмас, балки бир инсоннинг ҳаётида рўй берган воқеа. Мурожаатчи Сапарғул Қурбонова Тўртқул туманининг Навоий номидаги маҳалласида истиқомат қилади. Ёшлари олтидан ошган эр-хотиннинг нафақа пулидан бошқа даромади йўқ. Шунда ҳам бориға барақа, деб «маҳалла еттилиги» дори-дармон учун моддий ёрдам пули ажратиш бўйича қарор қабул

дан миннатдор эканликларини бот-бот такрорлашди.

Навбатдаги мурожаатчи Мавлудахон эса Амударё туманидаги «Қиличбой» овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. Эри билан ажрашганига анча бўлган. Ота ҳовлисида укасининг оиласи билан бирга яшайди. У ҳам мурожаати ижобий ечим топганидан миннатдорлигини телефон орқали етказди.

– Фарзандларим мактабда ўқийди. Уларга оддий ўқув қуролларини олиб беришга ҳам қийналиб қоляпман. Чунки кунлик ишга чиқиб рўзгор тебратаман. Баъзан иш ҳам топилабди. Ноябрь ойидан алимент пули келмай қолди.

Собиқ турмуш ўртоғимга фарзандларимизнинг уст-боши эскирганини айтиб, кўп тушунтирдим. Фойдаси бўлмагач, 1211 рақамли «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилдим. Ҳайрият, мушкулим осонлашди. Тез орада пластик картага 1 миллион 840 минг сўм пул ўтказиб берилди. Мен бундан жуда хурсанд бўлдим, – дейди Мавлудахон.

Ҳа, бу ҳаёт... Орамазда турфа тақдирлар учрайди. Уларнинг айримлари «Ишонч телефони» орқали муаммолари ҳал қилинаётганидан миннатдор.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Адлия ва Рақамли технологиялар вазирликлари диққатига!

«ТИЛ УҚМАС» ДАСТУРЛАР ЎЗБЕК ТИЛИНИ ҚАШШОҚЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМАЯПТИМИ?

Бундан сал олдин яқин қариндошларимиздан бири тadbиркор сифатида масъулияти чекланган жамият ташкил этмоқчи бўлди. Тузилажак корхона фаолияти матбаа, ноширлик йўналишларига боғлиқ бўлгани боис танланган номи ҳам шунга монанд эди: «Сўз жозибаси». Уни рўйхатдан ўтказиш учун давлат хизматлари марказига ишимиз тушди. Билгичлар тавсиясига кўра, йўл-йўлакай «Ўткир сўз», «Мафтункор сўз», «Холис сўз» каби захира номларни ҳам ўйлаб бордик. Чунки ҳудудда аввалроқ «Сўз жозибаси» номи МЧЖ рўйхатдан ўтган бўлса, кейин мўлжаллаганларимиздан бирини танламоқчи эдик.



Таассуфки, марказда юқорида тилга олинган тўртта номдан бирортасини ҳам ўтказишнинг имкони бўлмади. Негаки, дастур «У» харфини қабул қилмас экан. Шу боис компьютерга киритилган «Сўз жозибаси» номи бошқача маънони англатадиган «Соз жозибаси»га, «Мафтункор сўз» эса «Мафтункор соз»га айланиб қолди. Ҳолбуки, корхона таъсисчиси созанда ё чолғу асбоблари ясайдиган уста эмасди. Натижада унинг тарвузи қўлтигидан тушиб, ўзи очган МЧЖни таркибидан «У» харфи бўлмаган бошқа сўзлар билан номлашга мажбур бўлди...

Дарвоқе, ён-атрофимизда яқин йилларда ташкил этилган тadbиркорлик субъектлари номларига бир эътибор беринг-а! Орасида ажнабий тиллардаги ёки ўзбек ва хорижий лаҳжалардаги сўзлар бўтқасидан иборат олақуроқ номлар кўзқориндек кўпайиб кетган. Ўзбек тилида ёзилганларига разм солсангиз, саводсизларча номланганлари ҳам сон-саноксиз. Демак, тилимиз қадрсизланишига давлат хизмати кўрсатувчи ташкилотлар ҳам «ҳисса» қўшаётгани экан.

Умуман олганда, кейинги 15-20 йил мобайнида ҳужжалик юритувчи субъектларни номлаш жараёнида рўйхатга олувчи идоралар томо-

нидан ҳамиша турли тўсиқлар ўрнатиб келингани бор гап. Хусусан, яқин-яқингача ҳам «Фирма номлари учта сўздан иборат бўлиши керак!» деган галати қоида бор эди. Эсимда, Олтинқул туманининг Сарой қишлоғида бир умр деҳқончилик билан шуғулланган Ўзбекистон Қаҳрамони Сиёсатхон Абдуллаева раҳбарлигида 2005 йилларда ташкил этилган фермер ҳўжалигини оила аъзолари ўзаро кенгашиб, «Сарой жавоҳири» деб атамоқчи бўлишганди. Бироқ бюрократик тўсиқлар туфайли ҳўжалик уч сўздан иборат «Олтинқул водий гулшани» деган ном қўйилганди.

Тўғри, бугун МЧЖ тузиш учун яқин ўтмишдаги каби талаблар йўқ. Фирмангизни, хоҳласангиз, битта сўз билан аташингиз ҳам мумкин. Муҳими, бошқа МЧЖ номи билан «адаш» бўлмаса, кифоя. Аммо энди юқорида қайд этилган муаммо – У, Қ, Ғ, Ҳ харфлари муаммоси ўзбек тили жозибасини кўрсатишга тушов бўлмоқда.

Бу харфларнинг ёзувларда қўлланилмаслиги фақат давлат хизматлари агентлиги фаолиятида кўзга ташланаётгани йўқ. Дўконларда пластик карта орқали савдо қилганда бериладиган терминал чекларига қарасангиз, карта эгаси-

нинг исм-фамилиясида айрим харфлар ўрнида юлдузча белгиси турган бўлади. Бу ҳам соҳаларни рақамлаштириш жараёнида ўзбек тилига нисбатан ҳўрматсизлик ва эътиборсизликнинг ёрқин намунасидир. Телефон рақамларимизга банклардан рус тилида келаётган СМС хабарлари ҳақида эса гапирмай қўя қолайлик. Фақат куюнчак депутатларимиздан бири ўртага ташлаган саволни такрор-такрор эслатсак, арзийди: «Ким ҳўқуқ берган шу тариқа давлат тили ҳақидаги қонун устидан беамалол босиб ўтиб кетишга?!»


Ушбу муаммони ҳал этишнинг имкони борми? Адлия вазирлиги давлат хизматлари мисолида юқорида тилга олинган масалани бартараф этиш юзасидан Рақамли технологиялар вазирлигига қонуний талаб қўя оладими? Рақамли технологиялар вазирлиги-чи? Турли идоралардаги «тил уқмас» дастурларни ўзбекча-лаштиришга унинг кўриб етadими? Ёки ҳамюртларимиз «База қабул қилмайди» деган вазларга рўпара келиб, дастурлар қулига айлиниб юраверибдими?..



Нурилла НУЗУМОВ «ISHONCH»

Сарлавҳани ўқиб беихтиёр Фафур Ғуломнинг «Шум бола» қиссаси асосида тасвирга олинган бадий фильм ёдингизга тушган бўлса, ажаб эмас. Болакининг кўзлари мўлтираб, тирикчилик ташвишидан ғамга чўмиб ўз ҳақини сўрагани, жамоатчилик, кайвони отахонларнинг аралашуви билан «хом-пишиқ» аралаш олма олганини ҳамма билади. Эҳтимол, ўша замоннинг зайли шу бўлгандир: бой ишчисини истаган ноғорасига ўйнатгандир. Лекин бугунги кунда ҳам атрофимизда иш ҳақини ундиролмаётган, Қоравойнинг таъбири билан айтганда, ҳалол меҳнат билан топган ҳақини ололмаётганлар учраб тургани дилин хира қилади.

ҲАЛОЛ ҲАҚИМНИ СЎРАЯПМАН, БОЙ ОТА!



ёхуд МИБ нега суд қарори ижросини пайсалга соляпти?

2024 йил, май. Қашқадарё вилояти Қарши туманида яшовчи фуқаро Отабек Бўриев «Қарши ёғ-экстракция» акциядорлик жамиятидан ишдан бўшатилади. Ишчининг ўз аризасига биноан меҳнат шартномаси бекор қилинади ва у билан ойлик иш ҳақи ҳамда бошқа тўловларни ҳисоб-китоб қилиш белгиланади. Ҳисоб-китобларга кўра, Отабек Бўриевга тўланмаган иш ҳақи 22 миллион 246 минг 548 сўм ва фойдаланилган меҳнат таътили учун компенсация пули 2 миллион 475 минг 937 сўм, ҳамми 24 миллион 722 минг 485 сўмни ташкил этади. Бундан, албатта Отабек Бўриевнинг руҳи кўтарилади. 31 йил давомида меҳнат қилган корхонасидан миннатдор бўлади. Олинadиган пулдан самарали фойдаланиш мақсадида режалар тузади ва маблаг пластик картасига ўтказишнинг кўта бошлади. Лекин дарак уч ой ўтса ҳам, тўловдан дарак бўлмади. Бир-икки оғзаки мурожаатидан натижа чиқмагач, Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Қашқадарё вилояти кенгаши раисига ариза би-

лан мурожаат қилади. Вилоят кенгаши мурожаат юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига даъво аризаси киритади. Суд «Қарши ёғ-экстракция» акциядорлик жамиятидан Отабек Бўриев фойдасига 24 миллион 722 минг 485 сўм миқдоридagi қарздорликни ундириш бўйича қарор чиқаради. Бундан миннатдор бўлган Отабек Бўриев яна кунни ҳафтага, ҳафталарни эса ойларга улаб, иш ҳақини кута бошлади. Бирок...

– Ҳалигача пулимни ололганим йўқ, – дейди у. – Касаба уюшмалари ваколати доирасида ёрдам берди, суд қарори ҳам чиқди. Лекин Мажбурий ижро бюроси ҳамон тўланмай қолган ойлик иш ҳақимни ундириб бергани йўқ. Бир ойча аввал бюро ижросидаги учрашганимда корхона раҳбарига кўнгирик қилиб гаплашди. Улар «ўн кун ичида тўлаб берамиз», дейишди. Лекин сўзларида туришмади. Кейинги сафар ҳам қуруқ ваъда беришдан нарига ўтишмади.

Суд қарорлари ижроси бажарилмай мuddати чўзилаверадими? Хуллас, бу ўринда Мажбурий ижро бюросининг ходимларидан кўра «Шум бола»даги каби кайвони отахонларга эҳтиёж борга ўхшайди. Зора, жамоатчилик йиғилиб, корхона раҳбариятини инсофга, диёнатга чақирса. Шунда қарздор инсофга келиб, тўланмай қолган иш ҳақлари ундириб берилса, ажаб эмас.



Баҳодир ҲАЛИМОВ «ISHONCH»

Ибодат Искандарова мактабда ишлаган. Соғлигидаги муаммолар туфайли шифокорлар кўригига борганида, касб насаллигига чалингани, сурункали ларингит аниқлангани, энди ишнини давом эттиролмалиги маълум бўлди.

ЎҚИТУВЧИГА САЛКАМ 77 МИЛЛИОН СЎМ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Меҳнат кодексининг 321-моддасига кўра, иш берувчи ходимнинг касб кассаллиги туфайли ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зиённинг ўрнини қоплаши шарт. Бундай ҳолатда иш берувчи моддий жавобгар бўлади. Бироқ Сайхунбод туманидаги 18-умумтаълим мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган Ибодат Искандарова ва бундан тўлаб берилмади. Ўз ҳақ-ҳўқуқини яхши билган педагог Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашига мурожаат қилгач, унинг манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси киритилди.

Судда даъвогар Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши вакили Абдуқамол Ҳақимов иштирок этиб, педагог соғлиғига етказилган зарар учун нафақа пуллари ихтиёрий равишда тўлаб берилмагани, иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилиги бузилгани, ҳолат юзасидан Сайхунбод тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимига оғзаки ва ёзма равишда мурожаат қилингани, улар жавобсиз қолдирилганини айтиб, даъво аризасини қаноатлантиришни сўради.

Баҳор ХОЛБЕКОВА «ISHONCH»

МАҲАЛЛАЛАРГА ЭКОИНСПЕКТОРЛАР ЗАРУР

Кейинга вақтларда экологик муаммолар кўпайиб бормоқда. Уларнинг ҳалокатли оқибатларини ўйлаган ҳар қандай кишининг кўнгли хира тортиши, келажакдан ҳавотирланиши табиий. Бу, ўз навбатида, айни йўналишда тарғиботи ҳар доимгидан-да кучайтириш, аҳоли билан уюшқоқликда катта куч бўлиб ҳаракат қилишни талаб этади.

Шу боис сўнгги йилларда кўплаб соҳалар сингари экология йўналиши ривожига ҳам катта эътибор қаратилди: экология идораларида ишловчи ходимлар хизмат машиналари, планшетлар, махсус кийим-бош, бошқа зарур жиҳоз ҳамда воситалар билан таъминланган. Лекин, афсуски, ҳозир тизимда ходимлар сони қисқартирилгани туфайли мутахассислар етишмайди. Масалан, 2019 йилда Нурафшон шаҳрида ходимлар сони 10 нафар бўлган, Тошкент вилояти бўйича эса, 400 нафар атрофида ходим ишларди. Ҳозир 100 нафарга яқин ишчи бор.

Бинобарин, маҳалла фуқаролар йиғинларида экоинспекторлар штатлари очилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, чиқиндиларни ташлаш, сувни ифлослантириш, дарактларни ноқонуний кесиш, руҳсатсиз ов қилиш аксарият ҳолларда маҳалла-ларда амалга оширилади. Аҳоли ҳам маҳалла идорасида ишловчиларни яхши танийди. Етилик мунтазам улар билан юзма-юз алоқада. Сирасини айтганда, аҳолига маҳалла идорасидаги тарғибот, назорат, идорадаги ҳужжат ишларини бажариш эса кишидан катта меҳнат талаб қилади, икки киши ҳаммасига улгурмайди.

Мақсудали ҲАСАНОВ, Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри Экология инспекцияси бошлиғи

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида мазкур жинойтни келтириб чиқараётган омиллarga чек қўйишга қаратилган қатъий ҳамда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишга ҳамда манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган ҳўқуқий-меъёрий ҳужжатлар, давлат дастурлари мисолида яққол кўриш мумкин.



ҲАММАМИЗНИНГ МАЖБУРИЯТИМИЗ

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам бу иллатларга қарши курашиш билан боғлиқ фаолиятни такомиллаштириш юзасидан мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилиб, унинг олдини олиш ва профилактика қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Вазирлигимиз ва унинг ҳудудий бўлинмалари, тизим ташкилотлари ҳамда муассасаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халққори стандартларга мувофиқ бошқарув тизими жорий этилди. Шунингдек, вазирлик тизимда коррупцияга қарши курашиш, уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасида қатъий чоралар қўрилмоқда. Жўмладан, «Коррупцияга қарши курашиш сиёсати» ва ўндан ортиқ ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Шунингдек, ушбу йўналишга масъул ходимларимиз мазкур иллат билан боғлиқ ҳўқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган вазифалар ҳамда чора-тадбирларни белгилаб олиб, коррупциявий ҳавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш, бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш бўйича тегишли тadbирларни мунтазам амалга ошириб келмоқдалар.

Жамоатчилик вакиллари, ватандошларимиздан қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фаолият юритаётган ходимларнинг қонунийликка зид хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари гувоҳи бўлишса ёхуд уларнинг коррупция ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан маълумотларга эга бўлган ҳолларда, қуйидаги алоқа каналлари орқали ўз мурожаатларини юборишлари муносиблигини эслатиб ўтмоқчиман. (алоқа каналлари: anticorruption@agro.uz электрон почтаси, @UzAgroAnticorruptionBot Телеграм боти, 12-43 кўча рақами орқали, +998712067060 рақамли ишонч телефони ҳамда масъул ходимлар 71-206-70-57, 71-206-70-58 рақамлари).

Йўлланган мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартиб ва мuddатларда қўриб чиқилади ҳамда тасдиқланган коррупцион ҳолатлар бўйича кескин қонуний чоралар қўрилади.

Жамоатчилик ёрдами биз учун ҳар доим, ҳамиша мўҳим.



Жамшидҷон АБДУСУЗУРОВ, Қишлоқ ҳўжалиги вазири ўринбосари

«ҚИРҒОҚСИЗ ДАРЁЛАР» СОҶИЛИДА «ВАРАҚСИЗ ДАФТАР»НИ ВАРАҚЛАБ...

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ МАМАТҚУЛ ҲАЗРАТҚУЛОВНИНГ БАДИИЙ ПУБЛИЦИСТИК АСАРЛАРИ ТАҚДИМОТИДА



Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шукур Бурҳонов, Берта Давидова каби буюк адиблар, санъаткорларни қўл етмас чўққи мисол тасаввур қиламиз...

Ҳолбуки, улугларнинг ҳам оддий инсонлар қатори ўз ҳаёти, ташвишлари, муаммолари бўлган.

Афсуски, бугунги ёшлар ва замондошларимиз ўтган асрнинг 70-80 йиллари ва мустақилликнинг илк даврларида истеъдоди билан ярқ этган ёзувчи-шоирлар ва санъат ахлининг фақат ижодинингина яхши билишади. Аммо уларнинг шахс сифатидаги қиёфаси, ички олами, ҳақчоқ олиб чиқ...

нур устига нур бўларди. Яқинда пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистонда бизмат кўрсатган журналист Маматқул Ҳазратқуловнинг ана шундай мақсадга хизмат қилувчи «Қирғоқсиз дарёлар» ва «Варақсиз дафтар» номли бадиий публицистик асарлари тақдими бўлиб ўтди.

Унда фаол жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, ёзувчилар, талаба-ёшлар иштирок этдилар.

Журналистлар уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар ушбу китобларнинг мазмун-моҳияти ҳақида илқ фикрлар айтишди.

«Қирғоқсиз дарёлар» китобини



килотда ишласин, ёшларни ҳаммиша қўллаб-қувватлайди. Ҳалоллиги ва камтарлиги, ҳар бир ишга пухта ёндашгани боис курсини берса — тахтта, дарчини берса — дарвозага айлантиради.

Дарҳақиқат, буни истеъдодли ижодкорнинг асарларидан ҳам сезиш қийин эмас. Ёндафтар ёки қайдлардан фойдаланмасдан, бошидан ўтказган, кўрган-кечирган ва гувоҳи бўлган хотираларига таяниб, эссе жанрида ёзилган «Қирғоқсиз дарёлар» китобини ўқир экансиз, аксариятимиз бирор марта ҳам юзма-юз учрашмаган Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Барот Бойқуболов, Улмас Умарбеков, Берта Давидова, Фахриддин Умаров, Шукур Бурҳонов, рақс маликаси Қизлархон Дўстмуҳаммедова, кино юлдузи Лутфиҳоним Саримсоқова каби ижодкорларнинг қиёфаси, характери унингиз учун янгидан кашф этасиз. Уларнинг суҳбатида сингил кетганингизни сезмай қоласиз. Энг муҳими, шу юртда, шу ўлкада минг йиллик анъана ва кадрларимиз билан яшаб ўтган чин қаҳрамонларингизни топасиз.

Адабиётимизга шундай зарур ва фойдали бўлган янги меъмуар асарлар муборак бўлсин!



Зебо НАМОЗОВА «ISHONCH»

Фотиμα АБДУРАИМОВА «ISHONCH»

«Оила қурганимиздан тўрт ой ўтиб, турмуш ўртоғим чет давлатга ишлашга кетди. Янги хонадонга кўнишим осон кечмади. Турмуш ўртоғим билан телефонда гаплашиб турардим. Ҳар гал хабарлашиб бўлгач, қачон биз ҳам бошқалар қатори яшарканмиз, дея ич-ичимдан ўкинардим. Қачонки...»

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ИСТАК

Ёшгина келинчакнинг бу сўзлари бугуннинг айни ҳақиқати. Ёлғиз фарзанднинг ўз оиласи бағрида яшашини истаган Муяссар опа қарийб икки йил мобайнида ҳали у, ҳали бу жойга мурожаат қилди. Турли ташкилотлар эшигида сарғайди. Кейин катта умид билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат билан чиқди. Ва... узоқ давом этган сарсонгарчилик бир ойга қолмай, ижобий ечим топди. Икки йил ҳазилакам вақт эмас, айниқса, қийналаётган оилага.

Элликқалъа тумани «Қаватқалъа» маҳалласида истиқомат қилаётган хонадон эгалари «бировдан олдин, бировдан кейин» қабилида кун кечиради. Рўзгор кам-кўстини тўлдириб мақсадида неча йилдан буён қўшни давлатларда ишлаётган Қувондик фарзандлари меҳрига тўймади. Бундан эса шўрлик онанинг ҳам кўнгли тимдаланарди.

Ўғлим фарзандлари бағрида бўлишини истаётган. Аммо истакнинг ўзи камлик қиларкан. Хўжайиннинг маоши ва менинг ногиронлик нафақа тўловлардан ортмайди. Бу ёқда рўзгор ташвишлари... Хуллас, ҳафсаламни пир қилган рўени «Ишонч телефони» ҳақиқатга айлантди. Мурожаатим ижобий ечим топиб, маҳалла еттилиги ва масъуллар ёрдамида ўғлимнинг тадбиркорлик қилиши учун 33 миллион сўмлик кредит ажратилди. Бундан набираларим ҳам жуда хурсанд бўлишди. Улар ҳали кичик бўлса-да, оила туқислигини қалбан ҳис қилади, — дейди она.

Бозор атрофида муъжазгина дўканга эга бўлган йигитнинг кассобчиликка ўқуви бор. Шу боис, у тадбиркорликни айнан шу йўналишда бошлади. Эрталаб ота-онасидан оқ фотиҳа олиб, ишга отланувчи йигит турмуш ўртоғи билан ишга шўнғиб кетишди. Фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлмаса-да, гўшт ва ярим тайёр гўшт маҳсулотларига талаб ортган. Бундан она ҳам хурсанд, маҳалладагилар ҳам. Чунки бир оила ўзини ўзи банд қилиб, хонадонига барака киритмоқда.



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetaları tahrir hayati:

- Qudratilla RAFIQOV (tahrir hayati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinboshi), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan EMHATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43, Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

- Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati — (+998-99) 213-09-66 Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati — (+998-99) 379-19-70 Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrirlar: S. Abdurahmonov, G. Odashboyeva

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, U. Xudoyberganova

Sahifalovchi: H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti — 01:30

Topshirildi — 01:50

Bahosi kelishilgan narxda

Manzili: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 32 448 ta

Shundan: 6 257 nusxasi «Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi — Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 276 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi — Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 915 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi — Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazetaning tipografik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul.


Gazetaning etkazib berilish uchun obunani rasmiy laqitirgan tashkilot javobgar.

Gazeta ofset usulida, A-4 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. Buyurtma G-411

1 2 3 4 5 6

КОИНОТДАГИ ЖОСУСЛАР

Салкам етмиш йилдирки, Ер атрофида жосуслик аппаратлари — сунъий йўлдошлар учиб юради. Улар ер устининг тадиқоти бўйича кузатув, турли ўлчов ва радиоаппаратуралар жойлаштирилган жиҳозлар ёрдамида махсус функцияларни бажаради. Дастлабки жосус сунъий йўлдошларини яратиш 1946 йилга тўғри келади. АҚШнинг Ҳарбий ҳаво қўшинлари мурожаати билан «Rand» компанияси йўлдошлар ёрдамида разведка операциясини ўтказиш имкониятларини ўрганишга киришади. 1954 йилнинг март ойида бюртманнинг дастлабки намунаси тайёр бўлади. Орадан икки йил ўтиб, Америкада УС-1171 кодли разведка учун коинот аппарати ишлаб чиқишга киришилади. Мазкур дастур тўлиқ Мудофаа вазирлиги ва Марказий разведка бошқармаси назорати остида амалга оширилади.



Учун икки бор ўтказилган муваффақиятсиз синовдан сўнг, ниҳоят 1960 йил 18 август кўни «Корона» деб номланган дунёда биринчи коинот разведкаси аппарати Ер атрофи орбитасига чиқарилади.

У Совет Иттифоқи худудининг бир қисмини фотосуратга олиб қайтади. Бортида 900 метр плёнкаси бўлган фотокамера аввалдан юкляниб-белгилаб қўйилган объектлар суратларини қайд этади.

Марказий разведка бошқармаси стратегик махфий маълумотли суратларни раҳбариятга етказиши мақсадида. Мақтовлар ортидан Ҳарбийлар Совет Иттифоқи давлат сарҳадлари саёз бўлган, парвозлар учун ёпиқ худуд бўлмаган маконларда разведка ахборотлари тўплашни бошлаб юборадилар.

Америкаликлар «Корона»ни ҳаммаси бўлиб 145 марта коинотга чиқарадилар. Совет Иттифоқидан илгари қўлга киритилмаган 800 мингдан зиёд сирли объектларни суратга туширишга муваффақ бўладилар.

Глобал коинот разведкаси мана шундан бошланади. Президент Кеннеди мазкур УС-1171 дастурини ўта махфий усулда сақлашга кўрсатма беради, бошқа дастурлар «SAMOS» ёки «Кузатувнинг коинот тизими» деган ном билан фаолиятини давом эттиради. Бу ҳақда умуман сўз очишга тақиқ қўйилади. Матбуотга хабар сиздирилмайди...

Совет Иттифоқида илк разведкачи йўлдошга «Зенит» номи берилди, расман эса «Коинот» деб юритилиб, «Восток» коинот кемаси базасида яратилади. Унинг оғирлиги тахминан беш тоннани ташкил этган («Корона» эса 851 килограмм бўлган). «Зенит»га юқори аниқликдаги тўртта ва кичик аниқликдаги иккита фотокамера, шунингдек, радиолокация назорати ва тингловчи алоқа каналлари махсус жиҳозлари ўрнатилган эди.

Суратга олинган плёнкалар махсус контейнерларга жойланган парашютларда аввалдан белгилаб қўйилган манзилга юбориб турилган. Бошқа ахборотлар Ердаги станцияга етказилган.

«Зенит» ҳам икки йиллик муваффақиятсиз синовдан сўнг 1962 йил 28 май кўни «Космос — 7» расмий номи билан орбитага чиқарилган. Тўрт кундан кейин у бир кўчоқ расм билан Ерга қайтган.

Норасмий манбаларга кўра, Совет Иттифоқи 1972 йилга келиб, Ерга қайтиб келмайдиган қилиб учта «Зенит»/«Космос» аппаратини орбитага чиқарган.

Вақт ўтиши билан Ер атрофида иккита совет жосус аппарати учиб юриши оддий ҳолга айланади. Бу даврга келиб, мутахассислар космик аппаратдан ўзларига қулай равишда фойдаланишни ўзлаштириб олиб, аниқ мақсадли объектларни суратга тушириш «топшириғи»ни станцияда ўтириб бериш ҳадисини оладилар.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларига келиб, мутахассис-олимлар тун шароитида, шунингдек, ёруғлик етмайдиган жойларни суратга олишда инфракрасил рангли фильтрлар ва юқори аниқликдаги махсус плёнкалардан фойдаланишни йўлга қўядилар.



Аброр ХОН

Азиз газетхон! Мароқли дам олинг!



Юлдуз Турдиева ижросида «ЖАБР ЧЕККАН ЮРАК» қўшиғи

Нима қилай, менга ўргат, Юрак кулоқ солмаяпти. Унут десам, қурғур телба, Гапларимни олмаяпти.